

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАХБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

# **“ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ҒАЗНА ИЖРОСИ” ЙЎНАЛИШИ**

**“ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ”  
МОДУЛИ БЎЙИЧА**

**Ў Қ У В – У С Л У Б И Й  
М А Ж М У А**

**Тошкент 2018**

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 201\_\_ йил \_\_\_\_\_ - сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

**Тузувчи:** Турсунов А.С. – ТМИ, “Бюджет ҳисоби”  
кафедраси ўқитувчиси

**Тақризчи:** Қурбонов Х.А. – ТДИУ, “Молия ва солиқлар”  
кафедраси мудири, доцент иқтисодиёт фанлари  
НОМЗОДИ

**Ўқув -услубий мажмуа Тошкент давлат иқтисодиёт университети Кенгашининг 201\_\_ йил \_\_\_\_\_даги \_\_\_\_ -сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.**

## МУНДАРИЖА

|   |     |
|---|-----|
| I. Ишчи дастур.....   | 4   |
| II. Модулни ўқитишда фойдаланиладиган интерфаол таълим методлари..... | 14  |
| III. Назарий материаллар.....   | 20  |
| IV. Амалий машғулот материаллари.....                                 | 92  |
| V. Кейслар банки .....  | 105 |
| VI. Мустақил таълим мавзулари.....                                    | 105 |
| VII. Глоссарий .....  | 108 |
| VIII. Адабиётлар рўйхати.....   | 112 |

# I. ИШЧИ ДАСТУР

## Кириш

Мазкур ишчи дастур иқтисодиёт соҳаси қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишлари учун хорижий тажрибалар асосида ишлаб чиқилган ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 6 апрелдаги 137-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастурга мувофиқ шакллантирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Олий таълим тизимининг янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон қарорига асосан: “ҳар бир олий таълим муассасаси жаҳоннинг етакчи илмий-таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш, ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материалларини кенг жорий қилиш, ўқув-педагогик фаолиятга, мастер-класслар ўтказишга, малака ошириш курсларига хорижий ҳамкор таълим муассасаларидан юқори малакали ўқитувчилар ва олимларни фаол жалб қилиш, уларнинг базасида тизимли асосда республикамиз олий таълим муассасалари магистрант, ёш ўқитувчи ва илмий ходимларининг стажировка ўташларини, профессор-ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилиш”<sup>1</sup> олий таълим тизимини келгусида янада такомиллаштириш ва комплекс ривожлантириш бўйича энг муҳим вазифаларидан бири деб белгиланган.

Дастур мазмуни бюджет ҳисоби ва назорати борасидаги билимларни такомиллаштириш, бюджет ҳисоби ва назоратининг ривожланиши муаммоларини аниқлаш, уларни ўрганиш, таҳлил этиш ва баҳолаш, кадрларни бюджет ҳисоби ва назорати борасида ахборот – коммуникация технологияларини қўлланиши бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутди.

Ушбу дастурда хорижий мамлакатлар илғор тажрибаларига асосланган ҳолда, бюджет ҳисоби ва назорати фаолият ҳолати, уни ташкил этиш ва бошқариш, бюджет ҳисоби ва назорати иқтисодий самарадорлигини мониторинг қилиш, Ўзбекистонда бюджет ҳисоби ва назоратининг амал қилиши муаммолари, тегишли чора-тадбирлар белгилаш борасидаги вазифалар баён этилган.

Дастур мазмуни давлат молиявий ресурсларини самарали бошқариш борасидаги билимларни такомиллаштириш, давлат бюджетдаги муаммоларини аниқлаш, уларни ўрганиш, таҳлил этиш ва бошқариш, давлат

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимининг янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ2909-сон қарори, 20.04.2017 й.

бюджети ғазначилик тизими фаолиятининг ривожланишида ахборот – коммуникация технологияларини қўлланиши бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутди.

Ушбу дастурда хорижий мамлакатлар илғор тажрибаларига асосланган ҳолда, бюджет тизими ва унинг принципларини ўрганиш, бюджет тизими қонунчилик асосларини ўрганиш, бюджет таснифи (классификацияси)ни ўрганиш, бюджет тизимини бошқаришни ўрганиш, бюджет тизими бюджетларини ўрганиш, давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари даромадлари ва харажатларини ўрганиш тизими тараққиётининг истиқболларининг муаммолари, уларни бартараф этишида тегишли чоратadbирлар белгилаш борасидаги вазифалар баён этилган.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

“Давлат бюджет” модулининг **мақсади** давлат бюджети ҳақида назарий билимлар бериш, уларда мамлакатда амалга оширилаётган институционал ислохотларнинг бугунги босқичида, молиявий-иқтисодий инқироз амал қилаётган бир даврда давлат молия тизимида амалга оширилаётган ўзгаришларнинг асосий йўналишлари ва ғазначилик тизимида фаолият юритиш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш хисобланади.

“Давлат бюджети” модулининг **вазифалари:**

- Бюджет тизими ва унинг принципларини ўрганиш;
- Бюджет тизими қонунчилик асосларини ўрганиш;
- Бюджет таснифи (классификацияси)ни ўрганиш;
- Бюджет тизимини бошқаришни ўрганиш;
- Бюджет тизими Бюджетларини ўрганиш;
- давлат Бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари даромадлари ва харажатларини ўрганиш;

иқтисодий ривожланишнинг ҳар бир босқичида давлат бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини ва ундан келиб чиққан ҳолда амалга ошириладиган бюджет ижросининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш ва ҳ.к.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникма, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

“Давлат бюджети” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

**Тингловчи:**

- бюджет тизими муносабатларнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари таҳлилини;
- бюджет тизими бўғинлариаро пул оқими ҳаракатининг таркибини таҳлил қилиш асосида баҳолаш;
- бюджетлараро муносабатларни тартибга солиш усулларини;

- бюджет тизими ва давлат молияси тизими бўғинлари маблағлари харакатчанлиги ва этарлилигини баҳолаш усулларини;

- бюджет тизими бўғинлари фаолиятида балансликни таъминлаш имкониятларини аниқлаш усуллари ҳақида **билимларига эга бўлиши**;

**Тингловчи:**

- давлат бюджети жараёнларини таҳлил қилиш, тенденцияларни баҳолаш **кўникма ва малакаларини эгаллаши**;

**Тингловчи:**

- замонавий билимларни қўллаш орқали муаммолар ечимини топиш, уларни бартараф этиш ва қарорлар қабул қилиш борасида **компетенцияларни эгаллаши лозим**.

**Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Давлат бюджети” модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Ўқув жараёнида таълимнинг интерфаол ўқитиш метод, шакл ва воситалари, педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш назарда тутилган:

- маъруза машғулотларида “Ақлий ҳужум”, “Кутиш йўлдоши”, “Концептуал жадвал”, “Ўйланг-жуфтликда ишланг-фикр алмашинг” каби интерфаол ўқитиш метод, шакл ва воситаларидан;

- амалий машғулотларда баҳс-мунозара, тушунчалар таҳлили, ақлий ҳужум, кейс, гуруҳларда ишлаш, SWOT-таҳлил жадвал, Т-жадвал каби интерфаол ўқитиш метод, шакл ва воситаларни қўллаш назарда тутилади.

**Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

Модул мазмуни ўқув режадаги “Давлат бюджети”, “Бюджет ҳисоби ва назорати” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда тингловчиларнинг касбий тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

**Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар иқтисодиётнинг инновацион тараққиёти муаммоларини аниқлаш, уларни таҳлил этиш, баҳолаш ва ечимини топишга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

**Модул бўйича соатлар тақсимоти:**

| №  | Модул мавзулари   | Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат |                         |                 |                |          |                 |
|----|---|-----------------------------------|-------------------------|-----------------|----------------|----------|-----------------|
|    |   | Ҳаммаси                           | Аудитория ўқув юкلامаси |                 |                |          | Мустақил таълим |
|    |   |                                   | жами                    | жумладан        |                |          |                 |
|    |   |                                   | Назарий                 | Амалий машғулот | Кўчма машғулот |          |                 |
| 1. | Давлат бюджетининг мазмуни, моҳияти ва унинг тамойиллари ва хусусиятлари.     | 4                                 | 4                       | 2               | 2              |          |                 |
| 2. | Бюджет тизими бюджетларининг қонунчилик асослари.                             | 8                                 | 6                       | 2               | 4              |          | 2               |
| 3. | Бюджет тизими бюджетлари даромадларининг мазмуни, таркиби ва турлари.         | 4                                 | 4                       | 2               | 2              |          |                 |
| 4. | Бюджет тизими бюджетларининг харажатларининг моҳияти, таркиби ва йўналишлари. | 8                                 | 6                       | 2               | 4              |          | 2               |
| 5. | Давлат молиявий назорати.   | 8                                 | 8                       | 2               | 2              | 4        |                 |
|    | <b>Жами</b>   | <b>32</b>                         | <b>28</b>               | <b>10</b>       | <b>14</b>      | <b>4</b> | <b>4</b>        |

**НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**1-мавзу. Давлат бюджетининг мазмуни, моҳияти ва унинг тамойиллари ва хусусиятлари.**

Давлат бюджет тушунчаси ва таркибий қисми. Бюджетнинг хусусиятлари ва функциялари. Давлат бюджетнинг мақсадлари. Давлат бюджет тузилиши ва унинг моделлари. Марказлашган, марказлашмаган ва аралаш моделларнинг ўзига хос хусусиятлари. Турли давлат тузилиши шаклларида бюджет тизимининг амал қилиши. Турли даражадаги бюджетларни ташкил этиш ва тузиш тамойиллари. Давлат бюджет тизимининг асосий тамойилларининг амал қилиши. Давлат бюджет тизими бўғинлари ўртасидаги муносабатларни такомиллашуви. Давлат бюджет тизимида бюджетдан маблағ олувчилар ўртасида вужудга келадиган муносабатлар. Давлат бюджет тизimini ташкил этилишида хориж тажрибалари.

## **2-мавзу. Бюджет тизими бюджетларининг қонунчилик асослари.**

Давлат бюджети қонунлари. Ўзбекистон Республикаси бюджет қонунчилиги ва ҳуқуқи. Бюджет қонунчилигининг бюджет тизимини тартибга солишдаги аҳамияти. Бюджет муносабатларни тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар. Бюджет тизими ислоҳотлари доирасида бюджет қонунчилигидаги ўзгаришлар. Бюджет кодекси, унинг бюджет тизимини бошқариш ва тартибга солишдаги аҳамияти. Солиқ кодекси, унинг бюджет тизими бюджетлари даромадларини шакллантиришдаги аҳамияти. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимини бошқаришда амал қилувчи бошқа меъёрий ҳужжатлар. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими тузилиши асослари. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими тузилиши модели. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимининг амалдаги ҳолати. Бюджет тизими бюджетлари: давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари. Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари.

## **3-мавзу. Бюджет тизими бюджетлари даромадларининг мазмуни, таркиби ва турлари.**

Бюджет даромадларининг иқтисодий мазмуни ва манбалари. Бюджетга даромадларни жалб қилишнинг ички ва ташқи манбалари. Давлат бюджети даромадлари таркиби, тузилиши ва динамикаси. Бюджет даромадларининг шаклланишида солиқларнинг аҳамияти. Солиқ принциплари. Солиққа тортиш тизимининг қоидалари. Солиқ тўлашдан қочиш ёки бўйин товлаш. Бюджет даромадларининг шаклланишида хўжалик юритувчи субъектлардан ва аҳолидан ундириладиган даромадларнинг тутган ўрни. Даромадларни бюджет тизими бўғинлари ўртасида тақсимлаш асослари. Давлат бюджетининг даромад базаларини мустақкамлаш йўналишлари.

Мамлакатда пенсия таъминотини амалга оширишда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ўрни ва аҳамияти, мақсади ва вазифалари. Пенсия жамғармасининг даромадларини шакллантириш механизми. Республика Йўл жамғармаси даромадлари. Йўл жамғармасининг фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш масалалари. Давлат мулкани хусусийлаштиришдан тушган маблағлар жамғармаси даромадлари, жамғарма фаолиятини бошқариш ва тартибга солиш. Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси даромадлари.



#### **4-мавзу. Бюджет тизими бюджетларининг харажатларининг моҳияти, таркиби ва йўналишлари.**

Давлат бюджети харажатларининг давлатнинг функциялари билан боғлиқлиги. Бюджет харажатларининг таркиби ва тузилиши. Бюджетнинг иқтисодий мақсадлардаги харажатлари. Иқтисодий ислохотларнинг бугунги босқичида иқтисодиёт харажатлари таркибининг ўзгариши. Бюджетнинг ижтимоий соҳаларни сақлаш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш харажатлари: таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот ва ижтимоий химоя харажатлари. Бюджетнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини сақлаш харажатлари ва бошқа харажатлар. Республика бюджети харажатлари таркиби ва тузилиши. Маҳаллий бюджетлар харажатлари таркиби ва тузилиши.

Мамлакатда пенсия таъминотини амалга оширишда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ўрни ва аҳамияти, мақсади ва вазифалари. Пенсия жамғармасининг харажатларини амалга ошириш механизми. Республика Йўл жамғармаси харажатлари. Йўл жамғармасининг фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш масалалари. Давлат мулкани хусусийлаштиришдан тушган маблағлар жамғармаси харажатлари, жамғарма фаолиятини бошқариш ва тартибга солиш. Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси харажатлари. Мамлакат меҳнат бозорининг шаклланишида Бандликка кўмаклашиш давлат жамғарманинг тутган ўрни. Бюджетдан ташқари таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси харажатлари.

#### **5-мавзу. Давлат молиявий назорати.**

Давлат молиявий назорати ҳақида тушунча. Давлат молиявий назорат органлари. Давлат молиявий назорати принциплари. Давлат молиявий назоратининг шакллари, турлари ва усуллари. Ҳуқуқий назорат ва ижро назорати. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси томонидан амалга ошириладиган давлат молиявий назорати. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармалари, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг молия бўлимлари томонидан амалга ошириладиган давлат молиявий назорати. Ғазначилик бўлинмалари томонидан амалга ошириладиган давлат молиявий назорати. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан амалга ошириладиган давлат молиявий назорати. Давлат молиявий назоратини ташкил этиш.

## АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

### 1-амалий машғулот.

#### Давлат бюджетининг мазмуни, моҳияти ва унинг тамойиллари ва хусусиятлари.

Муҳокама этиладиган масалалар.

1. Давлат бюджетининг моҳияти ва мазмуни.
2. Давлат молиясини ислоҳ қилиш ва бошқаришда бюджет тизимининг ўрни ва аҳамияти.
3. Давлат бюджетининг тамойиллари.

**Калит сўзлар:** Бюджет тизими бюджетлари. Ягона ғазна ҳисоб рақами. Бюджетнинг хусусиятлари, бюджет таснифи. бюджетлараро муносабатлар.

### 2-амалий машғулот.

#### Бюджет тизими бюджетларининг қонунчилик асослари.

Муҳокама этиладиган масалалар.

- Давлат бюджет тушунчаси ва таркибий қисми.
- Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг аҳамияти.
- “Давлат бюджети қоидалари”нинг зарурлиги ва хусусиятлари.
- Бюджет тузилиши ва унинг моделлари.
- Марказлашган, марказлашмаган ва аралаш моделларнинг ўзига хос хусусиятлари.

**Калит сўзлар:** Бюджет кодекси. Бюджет тизими механизми. Бюджет тизими қонунчилик асослари. Давлат молиявий назорати.

### 3-амалий машғулот.

#### Бюджет тизими бюджетларининг қонунчилик асослари.

Муҳокама этиладиган масалалар.

1. Давлат бюджет тушунчаси ва таркибий қисми.
2. Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг аҳамияти.
3. “Давлат бюджети қоидалари”нинг зарурлиги ва хусусиятлари.
4. Бюджет тузилиши ва унинг моделлари.
5. Марказлашган, марказлашмаган ва аралаш моделларнинг ўзига хос хусусиятлари.

**Калит сўзлар:** Бюджет кодекси. Бюджет тизими механизми. Бюджет тизими қонунчилик асослари. Давлат молиявий назорати.

#### **4-амалий машғулот.**

### **Бюджет тизими бюджетлари даромадларининг мазмуни, таркиби ва турлари.**

Муҳокама этиладиган масалалар.

1. Бюджет даромадларининг иқтисодий мазмуни ва манбалари.
2. Бюджетга даромадларни жалб қилишнинг ички ва ташқи манбалари.
3. Давлат бюджети даромадлари таркиби, тузилиши ва динамикаси.
4. Бюджет даромадларининг шаклланишида солиқларнинг аҳамияти.
5. Даромадларни бюджет тизими бўғинлари ўртасида тақсимлаш асослари.

**Калит сўзлар:** Бюджет кодекси. Бюджет тизими механизми. Бюджет тизими қонунчилик асослари. Давлат молиявий назорати.

#### **5-амалий машғулот.**

### **Бюджет тизими бюджетларининг харажатларининг моҳияти, таркиби ва йўналишлари.**

Муҳокама этиладиган масалалар.

1. Давлат бюджети харажатларининг давлатнинг функциялари билан боғлиқлиги.
2. Бюджет харажатларининг таркиби ва тузилиши.
3. Бюджетнинг иқтисодий мақсадлардаги харажатлари.
4. Иқтисодий ислохотларнинг бугунги босқичида иқтисодиёт харажатлари таркибининг ўзгариши.
5. Бюджетнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини сақлаш харажатлари ва бошқа харажатлар.

**Калит сўзлар:** Давлат бюджети харажатлари. Давлат бюджет харажатларининг таркиби. Бюджетнинг ижтимоий соҳаларни сақлаш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш харажатлари.

#### **6-амалий машғулот.**

### **Бюджет тизими бюджетларининг харажатларининг моҳияти, таркиби ва йўналишлари.**

Муҳокама этиладиган масалалар.

1. Пенсия жамғармасининг харажатларини амалга ошириш механизми.
2. Республика Йўл жамғармаси харажатлари.
3. Давлат мулкани хусусийлаштиришдан тушган маблағлар жамғармаси харажатлари
4. Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси харажатлари.
5. Бюджетдан ташқари таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-

техника базасини ривожлантириш жамғармаси харажатлари.

**Калит сўзлар:** Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси харажатлари. Республика йўл жамғармаси харажатлари. Давлат мулкини хусусийлаштиришдан тушган маблағлар жамғармаси харажатлари. Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси харажатлари.

### **7-амалий машғулот.**

#### **Давлат молиявий назорати.**

Муҳокама этиладиган масалалар.

1. Давлат молиявий назорати ҳақида тушунча.
2. Давлат молиявий назорат органлари.
3. Давлат молиявий назоратининг шакллари, турлари ва усуллари.
4. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси томонидан амалга ошириладиган давлат молиявий назорати.

5. **Калит сўзлар:** Давлат молиявий назорати, Давлат молиявий назорат органлари, Давлат молиявий назоратининг шакллари, Бюджетлараро муносабатлар.

### **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модулнинг назарий материални ўзлаштиришда қуйидаги ўқитиш шаклларидадан фойдаланилади:

- **давра суҳбатлари** (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);

- **баҳс ва мунозаралар** (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

- **Кенг кўламли суҳбат.** Ҳамма учун умумий бўлган тавсия этилаётган мажбурий ва кўшимча адабиётлар билан машғулотнинг ҳар бир режа саволларига тингловчиларни тайёргарлигини назарда тутди. Фаоллаштиришни барча воситаларини қўллаш билан: сўзга чиқувчига ва барча гуруҳга яхши ўйлаб тузилган аниқ ифодаланган саволлар; сўзга чиқувчи тингловчиларни кучли ва кучсиз томонларига диққатларини қарата олиши; иш жараёнида очиб берилаётган, янги қирраларни ўша вақтнинг ўзида ажратиб кўрсатиш ва бошқалар асосида кўпчилик тингловчиларнинг саволларини муҳокама қилишга жалб қилиш имконини беради.

- **Пресс-конференция.** Қисқа сўзга чиқишдан сўнг, биринчи савол бўйича маърузачига (агарда маърузалар бир қатор тингловчиларга берилган бўлса, ўқитувчининг ўзи улардан бирига сўз беради) сўз берилади. Шундан сўнг, ҳар бир тингловчи маъруза мавзуси бўйича унга савол бериши лозим.

- Кейсларни (муаммоли вазиятларни) ечиш. Муаммоли вазиятларни ҳал этиш натижасида ҳосил бўлган, мустақил излаб топилган далиллар, касбий аҳамиятли йўналишларни излашга ва тасдиқлашга, келгусидаги касбий фаолияти билан боғлиқлигини англаб етишга ёрдам беради.

### БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

| №  | Баҳолаш мезони           | Максимал балл | Изоҳ  |
|----|--------------------------|---------------|---|
| 1. | Тақдимот тайёрлаш        | 1,0           | Мустақил иш тарзида ҳар бир тингловчи белгиланган мавзулар бўйича тақдимотлар тайёрлайди – 1,0 балл |
| 2. | Кейс топшириғини бажариш | 1,5           | Мавжуд амалий вазиятдан кейс – 1,5 балл   |
|    | Жами                     | 2,5           |   |

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

Муаммони жамоали тарзда ҳал этишнинг усуллари ва воситалари

### Музокаралар

Музокаралар – аниқ ташкил этилган икки томон фикрларининг алмашинуви.

#### Музокараларни ўтказиш жараёнининг тузилиши



### **Баҳс**

**Баҳс** – ўз фикрини ифода этишни хоҳловчилар орасида бирон бир мунозарали масалани муҳокама қилиш, ҳақиқатни аниқлаш ва тўғри қарорни қабул қилиш.

#### **Анжуман-баҳсининг роли**


**Олиб борувчи** – ўргатувчи барча ваколатларига эга – баҳс боришини бошқаради, исботлар ва рад этишларнинг далилигини, тушунча ва атамаларнинг аниқлигига эътибор қаратади, мулоқотнинг барча қоидаларга муносиб тарзда ўтишини кузатади.



**Кластер**  
**(Кластер – тутам, боғлаш)**  
 Маълумот харитасини тузиш ва воситаси – барча фикр конституциясини фокуслаш ва аниқлаш учун қандайдир асосий омил атрофида ғояларни йиғиш.

Кластерни тузиш қоидалари билан танишади. Аудитория доскаси ёки катта қоғоз варағи марказида калит сўзлар 1-2 сўздан иборат тарзида

Калит сўзлар билан ассоциация бўйича ён томондан кичкина ҳажмдаги айланага “йўлдошлар” ёзилади – ушбу мавзу билан алоқадор сўз ёки сўз бирикмаси. Улар чизик билан “бош” сўзга боғланилади. Ушбу “йўлдошлар”да “кичик йўлдошлар” ҳам бўлиши мумкин. Ёзувга ажратилган вақт тугагунга ёки ғоя йўқотулмагунча давом эттирилади.



**Тоифали жадвал**  
 Тоифа – мавжуд ҳолат ва муносабатларни акс эттирадиган белги (умумий).  
 - ажратилган белгиларга кўра олинган маълумотларни бирлаштиришни таъминлайди.


Тоифали шарҳни тузиш қоидалари билан танишилади. Ақлий ҳужумдан сўнг (кластерга ажратиш) мини гуруҳларда янги ўқув материали билан танишилади ва олинган маълумотлар фрагментларини бирлаштиришга имкон берадиган тоифаларни излаш ишлари олиб борилади.

Тоифалар жадвал кўринишида расмийлаштирилади. Ғоя маълумотлар жадвалида тегишли тоифалар бўйича тақсимланади. Иш жараёнида маълум бир тоифалар номлари ўзгартирилиши мумкин.

Ишнинг натижавий тақдими



## Венн диаграммаси



## SWOT-таҳлил жадвали

**SWOT** – таҳлил номланиши инглизча бош ҳарфлардан олинган:

**Стренгтҳс** – кучли томони, корхонада ички ресурслар мавжудлиги назарда тутилади;


**Wэакнесс** – кучсиз томони ёки ички муаммолар мавжудлиги;

**Оппортунитизс** – имкониятлар; корхона ривожланиши учун мавжуд имкониятлар;

**Тхреатс** – хавфлар; ташқи муҳитдаги мавжуд хавф-хатарлар

Қоидага кўра, SWOT – таҳлилининг муваффақияти ташкилотга боғлиқ бўлмай, балки келгусидаги стратегик мақсад ва лойиҳаларни ишлаб чиқишда унинг натижаси ҳисобга олинишига боғлиқ бўлади. Уни қўллашда элементларини қуйидагича талқин қилиш мумкин:

## “Кучлар таҳлили” графиги



## «Кучлар таҳлили» графигини тузиш қондаси

Координат ўқи чизилади, чапга стрелка (кучлар) билан корхона ривожланиши ёки муайян бизнес лойиҳасини амалга оширишга халақит

берувчи тўсиқлар жойлаштирилади. Ушбу стрелкалар катталиги жихатдан у ёки бу муаммога таъсири ҳамда жиддийлигига мос келиши лозим бўлади.

Сўнгра қарама-қарши томонга ушбу кучларни енгиб ўтиш воситалари стрелка кўринишида экс этирилади. Уларнинг сони графикнинг ўнг томонидан натижа чиқара оладиган даражада бўлиши лозим.

Умуман олганда, бу келгусида аниқлаштиришни ва бўлақларга ажратишни талаб этадиган кучларни нисбий баҳолаш усули ҳисобланади.

#### “Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («сасе» – аниқ вазият, ҳодиса, «стади» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни камраб олади: Ким (Wҳо), Қачон (Wхен), Қаерда (Wхере), Нима учун (Wхй), Қандай/ Қанақа (Xow), Нима-натижа (Wҳат).

#### “Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

| Иш босқичлари   | Фаолият шакли ва мазмуни   |
|---|--|
| <b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш   | <ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;</li> <li>✓ кейс билан танишиш (матнли, аудио ёки медиа шаклда);</li> <li>✓ ахборотни умумлаштириш;</li> <li>✓ ахборот таҳлили;</li> <li>✓ муаммоларни аниқлаш</li> </ul>                       |
| <b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш  | <ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;</li> <li>✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш</li> </ul>  |
| <b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўллари ишлаб чиқиш | <ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил ечим йўллари ишлаб чиқиш;</li> <li>✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;</li> <li>✓ муқобил ечимларни танлаш</li> </ul>                                   |
| <b>4-босқич:</b> Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.  | <ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;</li> <li>✓ ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш;</li> <li>✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектиларини ёритиш</li> </ul> |

## Кейс.

Амалий вазият. Давлат харидларини амалга оширишда тендер савдолари бўйича субъект ғолиб бўлди. Савдолар натижаларига кўра хўжаик шартномалари шакллантирилди ва юридик мажбурият рўйхатдан ўтказилди. Молиявий ажбурият шалланиши учун хўжали субъекти мажбуриятларини ўз вақтда бажармади. Шартнома иштирокчилари ўртасид ўртасида эътирозлар юзага келди.

Бундай ҳолатда Сиз ижрочи сифатида қандай йўл тутасиз?

1. Хўжалик субъекти раҳбарига мурожаат қилиб, вазиятни тўғрилаш учун ёрдам сўрайсиз.

2. Альтернатив хўжалик юритувчи субъектлар билан шартнома шакллантирасиз.

3. Шартнома шартларининг бузилиши юзасидан жавобгарликка чақирасиз .

4. Ёки бошқача йўллари топасиз.

### **III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР**

**1-мавзу. Давлат бюджетининг мазмуни, моҳияти ва унинг тамойиллари ва хусусиятлари.**

**Режа:**

**1.1. “Бюджет тизими” фанининг предмети, мақсади ва вазифалари..**

**1.2. Давлат молиясини ислоҳ қилиш ва бошқаришда Бюджет тизимининг ўрни ва аҳамияти..**

**1.3. Бюджет тузилиши, унинг моделлари, тузиш тамойиллари**

**Таянч иборалар: “Бюджет тизими” фанининг предмети, фаннинг мақсади, фаннинг вазифалари, бюджет тизими, давлат бюджети, давлат молиясини бошқариш, иқтисодий фанлар, Бюджет тизими механизмлари.**

**1.1. “Бюджет тизими” фанининг предмети, мақсади ва вазифалари.**

Маълумки, Бюджет иқтисодий ислохотларни ҳаётга татбиқ этишда ҳал қилувчи омилдир, бошқача қилиб айтганда, Бюджет - ислохотларнинг энг муҳим дастакларидан бири вазифасини ўтайди, чунки киримга қараб чиқим қилиш иқтисодиётнинг олтин қويدаси ҳисобланади.

Бюджет тизими мамлакат молия тизимининг муҳим бўғини бўлиб, унинг муваффақиятли ташкил этилиши самарали бюджет сиёсатининг асосини ташкил этади. Давлат молияси тизимидаги туб ислохотлар натижасида бюджетнинг ғазна ижросига ўтилиши шунингдек, бюджетнинг ўрта муддатли истиқболини белгилашга ўтиш чора-тадбирлари мамлакатимизда изчиллик билан амалиётга жорий этилмоқда. Жаҳон андозалари ва халқаро бюджет амалиётининг янги қатъий талаблари ва мезонлари асосида давлат бюджетининг ўрта муддатли истиқболини белгилаш тизимига ўтишнинг жорий этилиши, ривожланган мамлакатларда самарали амал қилаётган натижавийликка асосланган бюджетлаштириш амалиётга жорий этилиши бюджет тизими олдига ҳам улкан вазифалар қўяди.

“Бюджет тизими” фанини ўқитишнинг мақсади - талабаларга Бюджет тизими Бюджетлари ҳақида назарий билимлар бериш, уларда мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг бугунги босқичида Ўзбекистон Республикаси Бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари ва уларни ҳаётга татбиқ этиш йўллари бўйича асосий кўникмалар ҳосил қилишдан иборат.

Ушбу мақсаддан келиб чиқиб фан ўз предметини ўргатиш учун қуйидаги вазифаларни қўяди:

✓ Бюджет тизими ва унинг принципларини ўрганиш;


- ✓ Бюджет тизими қонунчилик асосларини ўрганиш;
- ✓ Бюджет таснифи (классификацияси)ни ўрганиш;
- ✓ Бюджет тизимини бошқаришни ўрганиш;
- ✓ Бюджет тизими Бюджетларини ўрганиш;
- ✓ давлат Бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари даромадлари ва харажатларини ўрганиш;
- ✓ Бюджет ташкилотларининг Бюджетдан ташқари жамғармалари даромадлари ва харажатларини ўрганиш;
- ✓ Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармасини ўрганиш;
- ✓ давлат Бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари Бюджетлари лойиҳасини тузиш, кўриб чиқиш ва тасдиқлашни ўрганиш;
- ✓ харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини тузиш, тасдиқлаш ва уларни рўйхатдан ўтказишни ўрганиш;
- ✓ Бюджет тизими Бюджетларини ижро этиш тартибини ўрганиш;
- ✓ Бюджетлараро муносабатларни ўрганиш;
- ✓ давлат Бюджети тақчиллиги ва профицити, давлат томонидан маблағ жалб қилишни ўрганиш;
- ✓ давлат молиявий назоратини ўрганиш.

Мазкур фаннинг бошқа фанлар сингари ўзига хос предмети ва вазифалари мавжуд. «Бюджет тизими» фанининг предмети Ўзбекистон Республикасида Бюджет тизими механизмларини ва дастакларини ўрганишдир.

#### **“Бюджет тизими” фанининг бошқа фанлар билан боғлиқлиги.**

“Бюджет тизими” фани институтда ўрганиладиган бошқа иқтисодий фанлар билан узвий боғлиқдир. “Бюджет тизими” фани бакалаврият босқичида ўрганилган “Молия”, “Бюджет таснифи”, “Бюджет ҳисоби”, “Ғазначилик асослари”, “Ғазначиликда молиявий назорат”, “Молиявий назорат”, магистратуранинг “Давлат молиясини бошқариш” каби фанлардан олинган назарий асосларга таянади.

Шу билан бирга, “Бюджет тизими” фани магистратурадаги қатор махсус фанларни ўзлаштириш учун назарий-услубий асос бўлиб хизмат қилади.



**1.2. Давлат молиясини ислоҳ қилиш ва бошқаришда Бюджет тизимининг ўрни ва аҳамияти..**

*Содда шаклда бюджет бу ҳужжат ёки ҳужжатлар йиғиндиси, яъни ташкилотнинг (оила, корпорация, ҳукумат) молиявий ҳолати ва келгуси режалари, яъни даромадлар, харажатлар ва мақсад ҳамда натижалар*

*тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олувчи режалар сифатида қаралади. Тарихан, бюджет сўзи чарм кармон, ҳамён, сумка ва ҳамёнчадир. Асосан, инглизчада бу термин ҳукумат эҳтиёжлари ва ресурсларини Парламент баёнотига Молия Вазири кўтариб борадиган чарм сумка сифатида тасвирланган [5].*

Бюджет давлат молиясининг марказий бўғини бўлиши билан бир қаторда молия тизимининг ҳам асосини ташкил этади. Бюджетининг иқтисодий тузилиши ва мазмуни бевосита давлатнинг функция ва мажбуриятларидан келиб чиқади. Чунки давлат жамиятни бошқариш учун ўз олдига бир нечта вазифаларни қўядики, у вазифаларни молиявий маблағлар билан таъминлашда бюджет маблағлари хизмат килади.

Бюджет яхлит ҳукуматга хизмат қилиши билан бир қаторда, молиявий ресурсларни тармоқлараро қайта тақсимлашда, ҳудудлараро, мулк шакллариаро қайта тақсимлашда ҳам бевосита иштирок этади.

Масалан, тармоқлараро қайта тақсимлашда ҳар қандай иқтисодий тизимда ҳам айрим тармоқлар учрайдики, уларнинг даромадлари ўз харажатларини қоплай олмасда, лекин улар ишлаб чиқараётган товарлар, кўрсатаётган хизматлар ва бажараётган ишлар умумжамият аҳамиятига молик бўлган тадбирлар билан боғлиқдир. Бундай тармоқлар таркибига: энергетика, транспорт ва бошқалар кириши мумкин. Ушбу тармоқларга бюджет орқали юқори рентАбелли тармоқларнинг молиявий ресурслари қайта тақсимлаб берилади.

### **1.3. Бюджет тузилиши, унинг моделлари, тузиш тамойиллари.**

*Бюджет сўзи 15-асрларда пайдо бўлган бўлиб, Ўрта Француз тилидан боугетте, қадимги француз тилидаги боуже, яъни “чарм сумка, ҳамён, кичик чарм сумка”, лотин тилидаги булга сўзидан олинган бўлиб, “чарм сумка” деган маъноларни англатади. Замонавий молиявий маъноси (1973) газначилик вазири фискал режаларини ўзининг ҳамёнида сақлаши деган тушунчани беради. Бошқа маъноси 18-аср “янгиликлар шодаси” бўлиб кўчди, шу сабабдан бу сўзни ишлатиш айрим газеталар учун сарлавҳа сифатида ишлатилган.*

Давлатнинг бюджет тузилиши турли даражадаги бюджетларнинг турларини, ҳар бир бюджет бўғинининг тайинланишини, турли поғонадаги бюджетлар ўртасида даромад ва харажатларнинг тақсимланишини, уларнинг амал қилиш тамойилларини, марказий ҳукумат ва маҳаллий ҳокимият органларининг бюджет тизимини бошқаришдаги ваколатларини белгилаб берувчи юридик меъёрларга асосланади. Бюджет тизими мамлакатда амал қилувчи барча даражадага бюджетлар йиғиндисини билдиради.

Демак, бюджет тузилиши мамлакатнинг давлат бюджет ва бюджет тизимини, унинг бўғинлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни ташкил қилиш шакллари, бюджет таснифини, бюджет тизимига кирадиган барча даражадаги бюджетлар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини, бюджетлар

таркиби ва тузилмасини, бюджет маблағларини шакллантириш ва сарфлашдаги тартиб-қоидалар ва бошқаларни белгилаб беради (1-расм).



Бюджет тузилишининг қандай тузилганлиги мамлакатнинг маъмурий-ҳудудий тузилишига ва ҳукумат органларининг ваколатлари тақсимотига боғлиқ бўлади. Марказий ҳукумат билан мамлакатнинг маъмурий-ҳудудий тузилмалари (штатлар, провинциялар, областлар, ўлкалар каби) ўртасида ҳокимият ваколатларининг тақсимланишига кўра барча давлатлар унитар ва федератив (федератив давлатларда давлат тузилишининг икки шакли – федератив ва конфедератив давлат тузилиши мавжуд) давлатларга бўлинади. Унитар ва федератив (конфедератив) давлат тузилишининг ўзига хос хусусиятлари қуйидаги чизмада акс эттирилган.

Унитар (ягона) давлат – бу таркибидаги маъмурий-ҳудудий бирликлар (тузилмалар) ўз давлатчилигига ёки мухториятига эга бўлмайдиган давлат тузилишидир. Мамлакатда ягона конституция, ҳамма учун умумий бўлган ҳуқуқ тизими ва ягона ҳокимият органлари, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий жараёнларни марказлаштирилган бошқариш тизими амал қилади.



Унитар давлатларда икки поғонали бюджет тизими амал қилади:

- давлат бюджет (бу бўгин турли мамлакатларда турлича номланади, масалан, марказий бюджет, республика бюджет, ҳукумат бюджет каби);
- маҳаллий бюджетлар.

Унитар давлатларга Қозоғистон, Япония, Швеция, Франция, Польша, Ўзбекистон каби давлатлар киради.

Бюджет тизими қуйидаги тамойилларга асосланади[1]:

- бюджет тизимининг ягоналиги;
- бюджет тизимининг Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий тузилишига мувофиқлиги;
- бюджет тизими бюджетларининг баланслилиги ва ўзаро боғлиқлиги;
- бюджет тизими бюджетлари даромадларини прогноз қилиш ва харажатларини режалаштириш;
- бюджет тизими бюджетлари маблағларидан фойдаланишнинг аниқ йўналтирилганлиги ва мақсадлилиқ хусусияти;
- бюджет тизими бюджетларининг мустақиллиги;
- бюджет тизими бюджетлари маблағларидан фойдаланишнинг натижадорлиги;
- кассанинг ягоналиги;
- бюджет жараёни иштирокчиларининг жавобгарлиги;
- очиқлик.

Бюджет тизимининг ягоналиги принципи бюджет ҳужжатлари ва бюджет ҳисоботларининг шакллари, бюджет таснифи ягона бўлиши ҳамда бюджет тизими бюджетларининг даромадлари ва харажатларини шакллантириш ҳамда ижро этиш, бюджет ҳисобини юритиш ва бюджет ҳисоботини

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. . Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодекси (ЎРҚ-360-сон. 26.12.2013).
2. Маликов Т., Хайдаров Н. Давлат бюджет. Ўқув қўлланма. Т.: Иқтисод-молия, ТМИ-2007, 84б.
3. Маликов Т., Хайдаров Н. Бюджет (tizimi, tuzilmasi, jaraёni). Ўқув қўлланма. Т.: Иқтисод-молия, ТМИ-2008, 98б.
4. Каримова З.Х., Джамалов Х.Н., Исламкулов А.Х. Бюджет тизими. Ўқув қўлланма. “ВОРИС -НАШРИЁТ”. 2012. 208 б.
5. О. Ғайбуллаев, У. Ўроқов. Ўзбекистон Республикасида бюджет тизими ва жараёни: Ўқув қўлланма . Тошкент: Бактрия пресс, 2015, 168 б.

## Электрон таълим ресурслари

1. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz).
2. Infocom.uz электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz).
3. [www.mf.uz](http://www.mf.uz) – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг расмий сайти.
4. [www.mfer.uz](http://www.mfer.uz) – Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлигининг расмий сайти.
5. [www.uza.uz](http://www.uza.uz) – Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги расмий сайти.
6. [www.sep.uz](http://www.sep.uz) – Иқтисодий тадқиқотлар Марказининг расмий сайти.
7. [www.uzreport.com](http://www.uzreport.com) – бизнес ахборотлари портали.

## 2-мавзу. Бюджет тизими бюджетларининг қонунчилик асослари.

### Режа:

2.1. Ўзбекистон Республикаси бюджет қонунчилиги ва ҳуқуқи. Бюджет қонунчилигининг бюджет тизимини тартибга солишдаги аҳамияти.

2.2. Бюджет муносабатларни тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар.

2.3. Бюджет кодекси, унинг бюджет тизимини бошқариш ва тартибга солишдаги аҳамияти.

**Таянч иборалар:** Бюджет қонунчилиги, бюджет ҳуқуқи, бюджет тизимини тартибга солиш, бюджетни тақдим этишнинг шакллари, бюджетни тақдим этишнинг услублари, Бюджет Кодекси, Солиқ Кодекси, бюджет тизимини бошқариш, бюджет муносабатлари, бюджет тизими бюджетлари.

2.1. Ўзбекистон Республикаси бюджет қонунчилиги ва ҳуқуқи. Бюджет қонунчилигининг бюджет тизимини тартибга солишдаги аҳамияти.

Ҳар бир давлат учун ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий функцияларни бажаришга хизмат қилувчи пул фондига бўлган объектив эҳтиёжни қондириш учун бюджет зарурдир. Ҳар қандай давлатда ҳам бюджет бир хил категорияларни: даромад, харажат ва қарзларни намоён қилади. Бу ҳолат бюджетни иқтисодий категория деб аниқлаш имконини беради.

Бюджет ҳуқуқий категория сифатида - қонун билан мустаҳкамланган пул маблағларини ташкил топиши ва сарфланиши бўлиб, давлат ва маҳаллий ҳокимият органларининг функцияларини амалга оширилишини таъминлаш учун хизмат қилади. Шунингдек, иқтисодий категория сифатида молиявий режа асосида шакллантириладиган давлатнинг марказлашган пул фондидир.

Ўзбекистон Республикасида бюджетлар ўртасидаги муносабатларнинг асосини белгилаб берган бош қомусимиз - Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 122-моддасида “Ўзбекистон Республикаси ўз молия ва пул-кредит тизимиغا эга. Ўзбекистоннинг давлат бюджети Республика бюджетидан, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ва маҳаллий бюджетлардан иборат” дейилган.

Бюджетларро муносабатларнинг асл моҳиятидан келиб чиқиб, замонавий тарзда бу тушунчани қуйидагича ифодалаш мумкин: бюджетларро муносабатлар - бу иқтисодий-ҳуқуқий муносабатлар бўлиб, бюджет жараёнида давлатнинг бюджетга келиб тушадиган даромад ва харажатлар ваколатларини доимий ёки узоқ муддатга тақсимлаш, чегаралаш борасида давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари ўртасида юзага келадиган муносабат. Шунингдек, доимий ёки узоқ муддатга умумдавлат ва маҳаллий солиқлар меъёрларини белгилаш, маблағларни юқори бюджетдан қуйи бюджетларга қайта тақсимлашда бюджетларни тартибга солишга асосланиш, харажат ваколатларини топширилиши ёки қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш, дотация, субвенция, субсидия шаклидаги маблағларни, вақтинчалик молиявий ёрдамларни қайтариб бериш шарти билан маблағларни бириктириш, шунингдек, маблағларни жамлаган ҳолда турли даражадаги ҳокимиятлар ва бир ҳокимиятнинг ҳар-хил худудларнинг манфаатларини ҳисобга олиб харажатларни молиялаштиришдир.

Бинобарин, давлат бюджети даромадларининг тўғри ва тўлиқ шакллантирилишини таъминлаш ҳамда харажатларини тўғри йўналтиришга қаратилган оқилона бюджет сиёсатини юритиш муҳим аҳамиятга эга. Бунда, албатта, ушбу жараённинг ҳуқуқий негизи - қонунчилик катта рол ўйнайди.

Ўзбекистонда аҳолининг фаровонлик даражаси, фуқароларга кўрсатиладиган хизматлар, хусусан, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларда кўрсатиладиган бюджет хизматларининг сифати ва самараси бюджет қонунчилиги билан узвий боғлиқдир.

*Бюджетларнинг меъёрдаги хусусиятлари [9].*

*1) Баҳолашлар нақд пулга асосланган бўлиши керак.*

*2) Барча молиявий о Ўтказмалар учун битта бюджет режаси асос бўлиши керак.*

*3) Бюджетлаштириш нетто қийматида эмас брутто қийматда бўлиши керак.*

*4) Бюджетлаштиришда ҳар йиллик бюджет кейинги йил учун асос бўлиши керак.*

*5) Баҳолаш кўрсаткичлари ҳисобрақам ўтказмалари билан мувофиқ бўлиши керак.*

*6) Бюджетлаш ишлари бюджетни ишлаб чиқувчи ташкилот меъёрий ҳужжатларига мос бўлиши керак.*

## **2.2 Давлат Бюджет муносабатларни тартибга солувчи меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар.**

Ҳозирги кунда республикада бюджет тизими муносабатларини тартибга солиш ва бошқаришга оид асосий меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар куйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси (Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 26 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексини тасдиқлаш тўғрисида” ЎРҚ-360-сон Қонунига асосан, 2014 йил 1 январдан амалиётга жорий этилган).


Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳар молиявий йил учун қабул қилинадиган “Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги Қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат бюджети ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида” ги қарори (28.02.2007 й. №594);

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилиги тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори (20.03.2007 й. №53);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг ғазна ижроси қоидалари” (22.11.2016 й. №88);

## Бюджет муносабатларининг қонуний-ҳуқуқий асослари



## Бюджет муносабатларининг қонуний-ҳуқуқий асослари

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг буйруғи билан тасдиқланган “Давлат бюджетининг пул маблағларини режалаштириш ва бошқариш тартиби тўғрисидаги низом” (06.05.2010 й.№39);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ахборот тизимида шахсий ғазна ҳисобварақларини юритиш қоидалари” (24.03.2016 й. №21);

Молия вазирлигининг йўриқномалари, буйруқлари, хатлари ва ҳ.к.

Кейинги йилларда мамлакатимизда давлат молиясини бошқаришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, бюджет сиёсати устувор йўналишларини тартибга солиш мақсадида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Давлат молиясини бошқариш доирасидаги ислохотлар, бюджет қонунчилигини такомиллаштириш, уни ҳалқаро меъёрлар талабларига мослаштириш борасидаги муҳим ўзгаришлардан бири Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг қабул қилиниши бўлди.

Давлат бюджетини тузиш қўйидаги қонун-қоидалар бўйича амалга оширилади[9]:

**А) Бюджет лойиҳаси амалдаги ҳокимият(ҳукумат)нинг бюджет сиёсати ва фиссал сиёсати билан мувофиқ бо Ёлиши керак.**

1) Тушунарлилик- бюджетдаги тушум(даромад)лар ва чиқим(харажат)лар шундай акс эттирилиши керакки, ундан оддий шахс фойдаланганда ҳам уни тўлиқ тушиниши керак.

2) Алоҳидалик(Яккалик) – Давлатнинг бюджет лойиҳаси унинг фақатгина молиявий операсиялари билан боғлиқ бўлиб, унда молияга алоқаси бўлмаган муаммолар таъсир этмаслиги шарт.

**В) Бюджет механизмининг шаклланиши қўйидаги омиллар таъсирида вужудга келади:**

1) Ягоналик- ҳукуматнинг барча даромадлари барча давлат тушумлари учун ягона бўлган фондга ёки ҳисобрақамга тушиши;

2) Махсуслик-бу омил ҳукуматнинг барча даромадлари ва харажатлар моддаларини классификациялашда махсус шаклдалигини билдиради;

3) Даврийлик – Бюджет режасининг маълум давр оралигида амалга ошириш учун қонуний шаклда тасдиқланган.

4) Аниқлилик – Барча даромад ва харажатларнинг баҳоланиши аниқ даврда ва кўрсаткичларда кўрсатилиши

5) Мақсадга мувофиқлик- қонун бўйич тасдиқланган бюджет режаси амалиёт(бюджет йили)да амалга оширилгандан сўнг у ҳақиқий ҳисобланади.

**2.3. Бюджет кодекси, унинг бюджет тизимини бошқариш ва тартибга солишдаги аҳамияти.**

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 26 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексини тасдиқлаш тўғрисида” ЎРҚ-360-сон Қонунига асосан, 2014 йил 1 январдан амалиётга жорий этилди.

Мазкур Қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига 2014-2015 йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси нормаларининг амал қилиши ва самарадорлигини мунтазам равишда ҳамда ҳар томонлама мониторинг ва таҳлил қилинишини таъминлаш, зарур бўлган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг айрим нормаларини янада такомиллаштиришга қаратилган таклифларни киритиш вазифаси юклатилган.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ўзининг ижтимоий-иқтисодий сиёсатини муваффақиятли амалга ошириш ниятида халқаро донорлик ташкилотлари билан яқин ҳамкорликда давлат маблағларини бошқариш тизимини ислоҳ қилмоқда. 2014 йилдан кучга кирган Бюджет кодекси бу йўналишдаги ўзаро ҳамкорликнинг яна бир натижасидир. Бу ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги,

мамлакатимиздаги барча манфаатдор идоралар, БМТ Тараққиёт Дастури, ХВФ ва АДЕТЕФ (Франция) каби нуфузли халқаро ташкилотлар билан бевосита ҳамкорликда ишлаб чиқилди. Бюджет кодекси лойиҳасини тайёрлаш жараёнида қатор мутахассислар ва мустақил экспертлардан иборат идоралараро ишчи гуруҳи томонидан икки йил давомида қизгин иш олиб борилди.

Кодексни ишлаб чиқишда дунёдаги иқтисодий жиҳатдан тез суръатлар билан ўсишга эришаётган, ижтимоий ҳимояси кучли бўлган давлатлар тажрибаси ўрганилди. Бунда асосий ўринда халқаро стандартлар асосида давлат бюджети тақсмотини оммавий эълон қилиш, ундаги параметрларнинг, яъни ҳуқуқларнинг кенгайтирилиши, халқаро бухгалтерия ҳисоби стандартларига мувофиқлаштириш, бюджетни ўрта муддатларга режалаштириш, бюджет маблағлари ишлатилиши натижаларини таҳлил қилиш, бюджет ташкилотлари текширувини тартибга солиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Бюджет кодекси асосида бюджет тизимининг ҳуқуқий механизми такомиллаштирилди ва унификация қилинган ҳолда, ривожланган мамлакатларда ўзини оқлаб келаётган давлат молиясини бошқаришнинг замонавий усуллари шакллантирилди.

Бюджет кодексини ишлаб чиқиш ва қабул қилишдан асосий мақсад – бюджет жараёнини тартибга солувчи ҳамда амалдаги қарама-қарши ва эскирган меъёрларни бартараф қилувчи ягона қонун ҳужжатини ишлаб чиқиш ва бюджет жараёни иштирокчиларининг ваколатларини тизимлаштиришдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси умумий ва махсус қисмлардан иборат бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг асосий иккита “Бюджет тизими тўғрисида”ги ва “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида”ги қонунларини, бюджет жараёнининг алоҳида масалаларини тартибга солувчи олтита қонун ва бошқа бир қатор ҳужжатларни қамраб олган.

Халқаро тажрибада, Бюджет кодекси – маълум бир мамлакат бюджет тизимининг асосларини, унинг тузилиши, умумий принципларини, турли даражадаги бюджетлар ва уларнинг ваколатларини, бюджет жараёни асослари ва бюджетлараро муносабатларни, бюджет қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик чораларини белгиловчи қонун ҳужжати ҳисобланади [5].

АҚШ Конгрессида ҳар бир федерал ҳудуд бўйича тасдиқланган бюджет ижросини назорат қилувчи қўмита мавжуд. Конгрессменлар бошқарув жараёнига аралашиб ҳуқуқига эга эмас, бироқ, солиқ, тўловчиларнинг маблағларининг “Федерал бюджет тўғрисида”ги қонунга мувофиқ, харажат қилинишини кузатиб борадилар. Федерал вазирликлар ва штатларнинг ҳукуматлари, маъмурий процессуал кодекс асосида ажратилган бюджет маблағларини белгиланган ҳуқуқий жараён доирасида тақсимлайдилар. Бу

очик овозга қўйиш йўли билан аниқлаб олинади. Бунда Конгрессда лойиҳалар овозга қўйилади ва иштирокчиларни қарши ёки тарафдорлиги орқали тасдиқланади [8].

Бюджет кодекси бутун бюджет жараёнини (давлат бюджетини шакллантириш, тасдиқлаш, ижро этишни ҳамда назоратни таъминлашни) ягона ва яхлит қонун ҳужжатида тизимлаштиришни, давлат бюджетини ҳам, бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларни ҳам тартибга солишнинг ягона принципларини қўлланишни, бюджет жараёни барча қатнашчиларининг ваколатларини ҳамда уларнинг ўзаро ҳамкорлиги механизмларини белгилашни, шунингдек, бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириб, маҳаллий бюджетларнинг даромадлар манбаларини мустаҳкамлаб қўйишни, барча даражалардаги бюджетлар ўртасида ваколатларни тақсимлашни ва уларнинг ўзаро ҳамкорлигини назарда тутати.

Бюджет кодексининг қабул қилиниши амалдаги Солиқ кодекси билан биргаликда давлат молиясининг ягона бирхиллаштирилган, халқаро стандартларга мос бўлган қонунчилик базасини шакллантиришга, бюджет соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тизимлаштиришга, шунингдек, бюджет жараёнининг ҳамма босқич ва даражаларида ягона ҳуқуқий нормалар ва ёндашувлар қўлланилишини, мамлакат бюджет тизимининг очиқ-ошкоралигини ва барқарорлигини таъминлашга имкон беради.

Бюджет кодекси Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими бюджетларини шакллантириш, тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш, тасдиқлаш, ижро этиш, давлат томонидан маблағ жалб қилиш ва бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижросини назорат қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солади.

Мамлакатимизда мазкур норматив ҳужжатни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсад - амалда қўлланилаётган меъёрлар, низомлар ва бюджет жараёни иштирокчиларининг ваколатларини тизимлаштириш, шунингдек, бюджет жараёнини тартибга солувчи ҳамда амалдаги қарама-қарши ва эскирган меъёрларни бартараф қилувчи яхлит қонунчилик ҳужжатини яратишдан иборатдир.

Қолаверса, Бюджет кодекси барча манфаатдор тарафларни бюджет тизими ва бюджет жараёни тўғрисидаги кенг қамровли ҳамда ишончли ахборот билан таъминлашга хизмат қилади. Бу ахборот давлат бюджетини ишлаб чиқиш ва ижро этиш билан шуғулланаётган ҳукумат учунгина эмас, балки Олий Мажлис, маҳаллий ҳокимият органлари, бюджет ташкилотлари ва барча фуқаролар учун ҳам муҳимдир. Бюджет кодекси минтақаларда ресурсларни қайта тақсимлаш ва уларнинг даромад салоҳиятини мустаҳкамлашнинг барқарор ҳамда самарали механизмини таъминлашга қаратилган. Бюджет ташкилотлари учун бу – бюджетларни тузиш ва ижро этиш ҳамда улар олдида қўйилган вазифаларни бажаришнинг аниқ ва равшан қоидаларидир.



Фуқаролар учун эса Бюджет кодексининг қабул қилиниши шу боис ҳам муҳимки, бугунги кунда Давлат бюджетининг қарийб 60%и ижтимоий соҳага йўналтириляпти. Булар таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимояга доир харажатлардир. Тегишинча, агар қонунчилик Давлат бюджетининг ижроси ва унинг ижросини назорат қилишнинг аниқ таомилларини таъминласа, соғлиқни сақлаш ва таълим каби хизматларидан кенг фойдаланишни таъминлаш, аҳолининг ночор гуруҳларини қўллаб-қувватлаш ва давлатнинг бошқа ижтимоий мажбуриятларини самарали бажариш мумкин.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, мазкур кодекс мамлакатимизнинг мустақиллик давридаги қонунчилик фаолиятида қабул қилинган 16-кодекс бўлиб, у молиявий муносабатларни тартибга солидиган Божхона ва Солиқ кодексларидан кейин қабул қилинган, молия соҳасига тааллуқли бўлган учинчи кодексдир. Янги кодекс амалдаги Божхона ва Солиқ кодекслари билан биргаликда давлат маблағларининг халқаро стандартларга мос ягона ва бирхиллаштирилган қонунчилик базасини шакллантириш имконини беради.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда бюджет жараёнининг айрим босқичлари бир нечта қонун ҳужжатлари билан тартибга солиниши, баъзи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг нормалари турлича талқин қилиниши, бир хил нормаларни ҳаётга татбиқ қилишнинг қийинлиги, «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонуннинг алоҳида моддалари янги талабларга мувофиқ эмаслиги амалиётда бир қанча муаммоларни вужудга келтираётган эди. Бюджет кодекси бу камчиликларни бартараф этиш, амалиётда ўзини оқлаган меъёрлар ҳамда халқаро тажриба ҳисобга олинган ҳолда айтилишидаги қонунчиликни такомиллаштириш мақсадида бутун бюджет жараёнини тартибга солувчи ягона ҳужжат сифатида ишлаб чиқилди.

Бюджет кодексининг қабул қилиниши давлат молиясининг халқаро стандартларга мос келувчи, ягона унификациялашган қонунчилик базаси яратилишига олиб келди. Унда назарда тутилган меъёрлар ва қоидалар бюджет жараёнининг барча босқич ва даражаларида ягона ҳуқуқий нормалар қўлланилишини ва бир хил ёндашувни таъминлаш орқали бюджет жараёнининг ҳамма иштирокчилари ишини энгиллаштиришга қаратилган. Ушбу кодекс нафақат молия, ғазначилик ёки назорат-тафтиш органлари ходимлари учун, балки бюджет жараёнида бевосита иштирок этувчи маҳаллий вакиллик ва ижроия органлари вакиллари учун ҳам муҳим ҳужжат бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси юқорида таъкидлаганимиздек, тараққий этган мамлакатларнинг бу борадаги илғор тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, у Ўзбекистон Республикасининг асосий иккита – «Бюджет тизими тўғрисида»ги ва «Давлат бюджети ғазна ижроси тўғрисида»ги Қонунларнинг деярли барча меъёрларини ҳамда бюджет жараёнининг алоҳида масалаларини тартибга

солувчи олтита қонун, Президентимизнинг фармон ва қарорлари, Ҳукумат қарорлари ва идоралараро жами 50 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини ўз ичига қамраб олган ҳамда унда турли қонуности ҳужжатларида назарда тутилган меъёр ва қоидалар тизимлаштириб, мувофиқлаштирилган, бюджет қонунчилигида фойдаланиладиган аниқ тушунчаларга таърифлар берилган.

Шунингдек, бюджет жараёнига янги усуллар ва дастакларни жорий этиш, ҳамда халқаро стандартлар ва меъёрларни мослаштириш учун асос яратилган.

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси таркибий тузилиши 6-расмда кўрсатилганидек, 2 қисм, 9 та бўлим, 28 та боб ва 192 та моддадан иборат.

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексининг умумий қисми 5 та бўлим(I-V бўлимлар), 15 та боб (1-15 боблар), 82 та модда (1-82 моддалар)дан иборат бўлса, Бюджет кодексининг махсус қисми эса 4 та бўлим (IV-IX бўлимлар), 13 боб (16-28 боблар), 110 модда(83-192 моддалар)дан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг аҳамияти ва афзалликлари борасида кенгроқ тўхталадиган бўлсак, унда акс этган қуйидаги асосий йўналишларни алоҳида қайд этиш мақсадга мувофиқдир:

➤ Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексига бюджет тизимини бошқариш асосларини тартибга солиш, унинг тушунчалари ва тузилиш тамойиллари, бюджет таснифи тузилмаси, таркиби ва қўллаш тамойиллари белгиланган. Таъкидлаш жоизки, илгари «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонунда 22 та асосий тушунчага таъриф берилган бўлса, кодексда бюджет тизими билан боғлиқ тушунчалар рўйхати кенгайтирилиб, бюджет тизими билан боғлиқ 39 та тушунчага таъриф берилган.

Шунингдек, кодексда бюджет тизимида қўлланиладиган баъзи иқтисодий атама ва тушунчалар бугунги кунгача амалда бўлган қонунлар ва қонуности ҳужжатларида ифодаланганидан фарқли равишда, янги талқинда таърифланган ва таснифланган.

➤ Бюджет Кодексига «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонунда кўрсатилган бюджет тизимининг 7 та (бюджет таснифи тизими, ҳисоб-бюджет ҳужжатлари ва бюджет жараёни тузилишининг ягоналиги; бюджет тузилишининг Ўзбекистон Республикаси маъмурий-худудий тузилишига мувофиқлиги; турли даражадаги бюджетларнинг ўзаро боғлиқлиги; давлат бюджети баланслилиги; давлат даромадларини аниқ манбалар бўйича ва харажатларини йўналишлари (моддалари) бўйича режалаштириш; давлат бюджети харажатларини бюджетдан ажратиладиган тасдиқланган маблағлар доирасида ва харажатлар сметаларида кўрсатилган мақсадларда амалга ошириш; барча даражадаги бюджетларнинг мустақиллиги) асосий тамойиллари қаторига бюджет маблағларининг манзилли ва мақсадли сарфланиши, бюджет маблағлари сарфланишининг натижавийлиги ва самарадорлиги,

газнанинг ягоналиги, жавобгарлик, очиқ-ойдинлик (ошкоралик) каби бюджет тизимининг кўшимча тамойиллари киритилган.

➤ Шуниси аҳамиятлики, илгари «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонунда фақат 3 та орган - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимияти органлари ва жойлардаги давлат ҳокимияти органлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг бюджет тизимини бошқариш соҳасидаги ваколатлари берилган бўлса, Кодексда мазкур органларнинг ваколатларини мувофиқлаштириш билан биргаликда бюджет жараёнида иштирок этувчи бошқа субъектлар, яъни Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси; Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси; халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари; ҳудудий молия органлари; бюджет маблағларини тақсимловчилар; бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар, ҳамда давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органларнинг ваколатлари ҳам аниқ белгилаб кўйилган.

➤ Яна бир эътиборли томони шундаки, «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонунда давлат мақсадли жамғармаларининг фақат 4 таси акс эттирилган бўлса, Кодексда 7 та давлат мақсадли жамғармалари ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармаларининг мақсад ва вазифалари батафсил кўрсатиб ўтилган.

➤ Шу ўринда таъкидлаш жоизки, илгари қонунчиликда жамланма бюджети дейилганда давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари тушуНильса, эндиликда жамланма бюджет - давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ва Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари йиғиндиси сифатида талқин қилинмоқда.

➤ 2014 йилга қадар «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонунда Республика бюджети даромад ва харажатлари, ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар даромадлари ва харажатлари кўрсатилган бўлса, Бюджет кодексига юқоридагилар билан биргаликда туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг даромад ва харажатлари ҳам акс эттирилган.

Қолаверса, давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг кўшимча манбаларини аниқлаш ҳамда улардан фойдаланиш таомиллари белгиланиб, бюджет ижроси қисмида давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг тасдиқланган параметрларига ўзгартириш киритиш тартиби соддалаштирилган.

➤ Кодексда бюджет жараёнининг барча босқичлари очиқ берилган. Жумладан, давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларини тузиш, кўриб чиқиш ва қабул қилиш тартиблари ва муддатлари аниқ белгилаб берилган.

➤ Алоҳида бобда бюджет ташкилотлари ва бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатлар сметалари ҳамда штат жадвалларини тузиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби назарда тутилган.

➤ Ғазна ижроси ва давлат харидларини амалга ошириш тартиблари ҳам кенг қамровда белгиланган.

➤ Кодексда бюджетлараро муносабатлар тизими такомиллаштирилган, ҳамда қонуний мустақамланган бўлиб, унда бюджетлараро муносабатларнинг асослари, бюджетлараро трансфертларнинг шакллари ва уларни ўтказиш, бюджет ташкилотларига бюджет ссудаларини ажратиш, хўжалик юритувчи субъектларга, чет эл давлатларига ажратилган кредит линиялари ва кредитларни бажариш ва бюджет тизимининг турли даражадаги бюджетлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар тартиблари ҳам ўз аксини топган.

➤ Кодексдаги яна бир янгилик, бюджет ҳисоби ва ҳисоботи таъминлари, бюджет ҳисобининг миллий стандартларини ишлаб чиқиш учун дастлабки шартлар, бюджет ҳисоботи шакллари, бюджет ташкилотлари ва бюджетдан маблағ олувчиларнинг молиявий ҳисоботлари, давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар тузилмаси, давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботни ташқи аудитдан ўтказиш, уни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш муддатлари ва тартиблари белгилаб берилган.

➤ Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, кодексни ишлаб чиқишда халқаро тажрибага таянилган бўлиб, янги норма орқали бюджетни уч йиллик даврга шакллантириш учун пойдевор қўйилган. Маълумки, иқтисодиёти ривожланган аксарият мамлакатларда бюджетни шакллантириш ва тузиш уч йиллик истиқбол учун амалга оширилади.

Мазкур тажрибадан келиб чиққан ҳолда, кодексда бюджетдан маблағ олувчилар фаолияти натижалари билан бюджет харажатларини режалаштиришнинг боғлиқлигини таъминлайдиган ўрта муддатли бюджетни режалаштириш ва дастурли бюджетлаштириш принципларини жорий этиш учун асос яратилган. Бунинг учун кодексда бир қатор янги нормалар киритилган. Ушбу янгиликлар бюджет харажатларини бюджетдан маблағ олувчиларнинг фаолияти натижалари билан боғлашни таъминлайди. Бу эса, бюджетни ўрта муддатга режалаштириш принципларини жорий этиш учун асос яратиб, бир йилдан зиёд даврга бюджет тузиш имкониятини туғдиради.

➤ Кодекснинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, унда фавқулодда ҳолат шароитларида Ўзбекистон Республикасининг Президенти Қарорига кўра Ўзбекистон Республикасининг Фавқулодда Давлат бюджети қабул қилиниши, ҳамда Фавқулодда Давлат бюджетининг амал қилиши даврида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тўғрисидаги қарорларининг, шунингдек

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг Қорақалпоғистон Республикасининг бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари даромадлари ва харажатлари ҳажми ҳақидаги қарорларининг амал қилиши тўхтатиб турилиши белгилаб қўйилган.

➤ Кодекс орқали киритилган яна бир янги норма - давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари ижроси тўғрисидаги маълумотлар Олий Мажлис томонидан қабул қилингандан кейин, ҳисобот йили учун давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг расмий веб-сайтига жойлаштириш талабидир.

➤ Кодекснинг яна бир муҳим аҳамияти унда давлат молиявий назорати масалалари ҳам алоҳида тартибга солинган, давлат молиявий назорати асослари, услублари ва турлари, давлат молиявий назорати органлари, давлат молиявий назоратини ташкил қилиш тартиби, даврийлиги ва муддатлари, молиявий назорат объектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ кўрсатиб ўтилган.

➤ Кодексда амалдаги меъёрларни кенгайтириш билан бир қаторда, бюджет жараёни иштирокчиларининг ваколатлари, давлат томонидан маблағ жалб қилиш, бюджет ижроси устидан назорат ва бюджет қонунчилигини бузганлик учун жавобгарликни акс эттирувчи янги моддалар қўшилган.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексига турли даражадаги бюджетларнинг ваколатлари чегараланиб, бюджетлараро муносабатлар тизими такомиллаштирилган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг “Бюджетлараро муносабатлар” номли 20-бобида бюджетлараро муносабатлар тушунчаси, бюджетларнинг даражалари ўртасида даромадлар ва харажатларни ўтказиш, бюджетлараро трансфертларнинг шакллари, субвенциялар, ўтказиб бериладиган даромадлар, дотация, бюджетлараро ўзаро ҳисоб-китоблар, бюджетлараро трансфертларни ўтказиш тартиби, бюджет ссудаси шаклидаги бюджетлараро трансферт, айланма касса маблағлари, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига қўлланиладиган чекловларга тўхталиб ўтилган.

Республикада бюджетлараро муносабатларни тартибга солиш ва бошқаришда ҳуқуқий жиҳатдан бюджет жараёнида :

- Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг туманлар ва шаҳарлар бюджетлари билан;

- давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг туманлар ва шаҳарлар бюджетлари билан;

- Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг бир-бири

билан, шунингдек бошқа маъмурий-худудий бирликнинг туманлари ва шаҳарлари бюджетлари билан;

- туманлар ва шаҳарлар бюджетлари ўртасида ўзаро муносабатларига йўл қўйилмаслиги белгилаб қўйилган.

Алоҳида қайд этиш лозимки, республикада Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига қўлланиладиган чекловлар ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилган.

Жумладан, Бюджет кодексининг 142-моддасига мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари баланслаштирилган даромадлар ва харажатларга эга бўлиши лозим. Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари тақчиллигига йўл қўйилмайди.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларини қабул қилиш ва ижро этишда:

- маблағлар жалб қилишни амалга оширишга, юқори турувчи бюджетлардан бюджет ссудалари олиш бундан мустасно;

- тасдиқланган бюджетдан ажратилган маблағлардан ортиқ харажатларни амалга оширишга;

- тегишли бюджетлар маблағлари ҳисобидан бошқа юридик ва жисмоний шахслар фойдасига молиявий кафолатлар ва кафиликлар беришга;

- юридик ва жисмоний шахсларга бюджет ссудалари ва кредит линиялари беришга йўл қўйилмайди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодекси (ЎРҚ-360-сон. 26.12.2013).
2. Маликов Т., Хайдаров Н. Давлат бюджет. Ўқув қўлланма. Т.: Иқтисод-молия, ТМИ-2007, 84б.
3. Маликов Т., Хайдаров Н. Бюджет (тизими, тузилмаси, жараёни). Ўқув қўлланма. Т.: Иқтисод-молия, ТМИ-2008, 98б.
4. Каримова З.Х., Джамалов Х.Н., Исламқулов А.Х. Бюджет тизими. Ўқув қўлланма. “ВОРИС -НАШРИЁТ”. 2012. 208 б.
5. О. Ғайбуллаев, У. Ўроқов. Ўзбекистон Республикасида бюджет тизими ва жараёни: Ўқув қўлланма. Тошкент: Бактрия пресс, 2015, 168 б.

#### **IV. Электрон таълим ресурслари**

8. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
9. Infocom.uz электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz).
10. [www.mf.uz](http://www.mf.uz)– Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг расмий

сайти.

11. [www.mfer.uz](http://www.mfer.uz)– Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлигининг расмий сайти.

12. [www.uza.uz](http://www.uza.uz)– Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги расмий сайти.

13. [www.sep.uz](http://www.sep.uz)– Иқтисодий тадқиқотлар Марказининг расмий сайти.

[www.uzreport.uz](http://www.uzreport.uz)– бизнес ахборотлари портали

### **3-мавзу. Бюджет тизими бюджетлари даромадларининг мазмуни, таркиби ва турлари.**

#### **Режа:**

**3.1. Бюджет даромадларининг иқтисодий мазмуни ва манбалари.**

**3.2. Давлат бюджети даромадлари таркиби, тузилиши ва динамикаси.**

**3.3. Даромадларни бюджет тизими бўғинлари ўртасида тақсимлаш асослари.**

**Таянч иборалар:** Давлат бюджети даромадлари, республика бюджети даромадлари, маҳаллий бюджетлар даромадлари, солиқлар, солиқ тизими, умумдавлат солиқлари, маҳаллий солиқлар, тўғри солиқлар, эгри солиқлар, юридик шахслардан олинадиган солиқлар, жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар.

**3.1. Бюджет даромадларининг иқтисодий мазмуни ва манбалари.**

Бюджет даромадлари - бу давлат бюджет тизимининг бюджетларига қонун ҳужжатларида белгиланган беғаразлик ва қайтариб бермаслик тартибида келиб тушадиган пул маблағларидир.

Давлат даромадлари - бу яратилган миллий бойликнинг давлат эҳтиёжлари учун жалб этиладиган қисмидир. Давлат даромадлари кенг мазмунли тушунча бўлиб, ўз ичига бюджет даромадлари (миллий даромаднинг турлидаражадаги бюджетларга жалб этилган қисми)ни ҳам, бюджетдан ташқари давлат жамғармалари маблағларини ҳам ўз ичига олади. Бюджет даромадлари давлат даромадларининг энг салмоқли қисмини ташкил этади.

Давлат ўзига юклатилган вазифаларни муваффақиятли бажара олиши учун молиявий ресурсларга муҳтож бўлади ва шу сабабли мамлакат миллий даромадининг бир қисми пул ёки бошқа тўловлар тарзида унинг тасарруфига ажратилади. Натижада давлат ўз даромадларига эга бўлади. Бу маблағлар давлат ва маҳаллий органлар ихтиёрида бўлиб, тегишли давлат ҳокимияти органлари томонидан тасарруф этилади.

Давлат ўз маблағларини шакллантириш жараёнида ижтимоий ишлаб чиқаришнинг турли тармоқларида, давлат, жамоат, хусусий мулкчилик шаклларидаги корхоналарда вужудга келтирилган даромадларни, шунингдек, фуқароларнинг меҳнат, тадбиркорлик ва бошқа даромадларининг муайян қисмини ўз тасарруфига олади, давлат даромадларини вужудга келтиришда молиявий тизимнинг барча бўғинлари фаол иштирок этади.

Шуни таъкидлаш керакки, давлат бюджети даромадлари – давлат билан корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва аҳоли ўртасидаги мамлакат бюджет фондининг шаклланиши жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатларни англатади. Айрим адабиётларда, маърузаларда ва бошқа илмий ишларда “давлат бюджети даромадларининг асосий бош манбаи солиқлардир”, деган бизнинг назаримизда бирмунча нотўғри бўлган фикрларни учратиш мумкин. Аслида, давлат бюджети даромадларининг асосий манбаи бўлиб мамлакат ялпи миллий маҳсулоти ва миллий даромади ҳисобланади, давлат марказлашган пул фондига маблағларни жалб қилиш курили эса солиқлардир.

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 50-моддасига биноан Давлат бюджети даромадлари қуйидагилардан иборат[1]:

- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар;
- давлат активларини жойлаштириш, фойдаланишга бериш ва сотишдан олинган даромадлар;
- мерос, ҳадя ҳуқуқи бўйича давлат мулкига ўтган пул маблағлари;
- юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек чет давлатлардан тушадиган қайтарилмайдиган пул тушумлари;
- резидент-юридик шахсларга берилган бюджет ссудаларини ва чет давлатларга ажратилган кредитларни тўлаш ҳисобидан тўловлар;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа даромадлар.

Давлат бюджети даромадларининг асосий моддий манбаи мамлакатда яратилган ялпи ички маҳсулотнинг таркиби бўлган миллий даромад ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда, ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши давлат бюджети даромадларини барқарорлигини таъминлайди.

Бюджети даромадларининг асосий манбаи солиқлардир. Солиқлар мажбурий пуллик тўловни ифода этувчи пул муносабатларини билдириб, бу муносабатлар солиқ тўловчилар (юридик ва жисмоний шахслар) билан солиқни ўз мулкига айлантирувчи субъект сифатида давлат ўртасида содир бўлади. Корхона ва ташкилотлар товар маҳсулотларини ишлаб чиқарганида ва сотганида, аҳолига турли хизматларни кўрсатганида, ишлар бажарганида ёки бозорларда олди-сотди қилганда ҳам пул тўловларини амалга оширади. Лекин бу муносабатларнинг ҳаммаси ҳам солиқ муносабати бўла олмайди. Солиқ муносабатида давлат мамлакатда яратилган ялпи ички маҳсулот



қийматини тақсимлаш ва қайта тақсимлаш йўли билан мажбуран давлат бюджетига маблағ тўплаш жараёнини амалга оширади.

Солиқларнинг ўзига хос белгилари мавжуд бўлиб, улар куйидагилардир:

- мажбурийлик;
- хазина тўплаш;
- қатъийлик ва доимийлик;
- аниқ солиқ тўловчи учун эквивалентсизлик.

1. Мажбурийлик. Солиқ ва йиғимлар мажбурий характерга эга бўлиб, бунда давлат солиқ тўловчи даромадларининг бир қисмини мажбурий тўлов сифатида бюджетга олиб кўяди. Бу мажбурийлик мамлакатнинг қонун чиқарувчи олий органи тасдиқлаб берган махсус қонунлар асосида амалга оширилади. Демак, мажбурийлик белгиси ҳуқуқий томондан давлат томонидан қафолатланган.

2. Ҳазина тўплаш белгиси шунда намоён бўладики, солиқлар албатта хазинага, яъни давлат бюджетига ва давлатнинг бошқа мақсадли пул фондларига тушади. Борди-ю, юридик ва жисмоний шахслар бошқа ихтиёрий фондлар - «Истеъдод», «Экосан», «Камолот», «Нуроний» жамғармаларига тўловларни амалга оширсалар, бу тўловлар хазина тўплашга хизмат қилсада, солиқ муносабати бўлмайди. Чунки мажбурийлик тамойили йўқ, шунингдек, бу тўловлар давлат мулкига тушмайди.

3. Солиқлар қатъий белгиланган ва доимий ҳаракатда бўлади. Тарихда 50-100 йиллаб ўзгармасдан ҳаракатда бўлган солиқлар мавжуд. Илмий асоси қанча чуқур ва мустаҳкам бўлса, солиқлар шунча қатъий ва узоқ йиллар ўзгармасдан ҳаракат қилади ёки жуда кам ўзгаради. Масалан, даромад солиғи, мулк солиғи, ер солиғи қабилар бир неча асрлардан бери амал қилиб келмоқда. Ҳар бир давр, ҳар бир ижтимоий тузумда давлат, ўз иқтисодий мақсадлари ва иқтисодий сиёсатининг асосий йўналишларидан келиб чиқиб, бу солиқларнинг амал қилиш механизмига ўзгартиришлар киритиб келган.

4. Солиқлар алоҳида олинган солиқ тўловчи учун ноэквивалентлик характерига эга. Ҳар бир солиқ тўловчи томонидан тўланган солиқ суммаси тўловчининг шахсан ўзига тўлиқ қайтиб келмайди, улар мамлакат миқёсида бутун жамиятга қайтиб келади. Солиқ тўловчига нисбатан бу тўлов эквивалентиз пул тўловидир. Масалан, солиқ тўловчи муайян бир даврда давлатнинг соғлиқни сақлаш ва маориф хизматларидан ҳеч фойдаланмаган бўлиши мумкин. Лекин бозор иқтисодиёти шароитида ҳамма солиқ тўловчиларнинг тўлаган солиқ ва йиғимлари давлатнинг уларга кўрсатган хилма-хил хизматлари (мудофаа, хавфсизликни таъминлаш, тартиб-интизомни сақлаш ва бошқа ижтимоий-зарурий хизматлар) орқали ўзларига қайтиб келади. Демак, солиқ тўловчилар нуқтаи назаридан олганда ҳамма солиқлар бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг кўрсатган ижтимоий хизматлари учун тўланадиган ҳақ(тўлов)дир.

Солиқлар давлат бюджетига ва давлат пул фондларига келиб тушадиган, мажбурий ҳарактерга эга бўлган пул муносабатларидир. Шунингдек, солиқлар иқтисодий категория бўлганлиги учун бозор иқтисодиёти муносабатлари, шу жумладан, молиявий муносабатлар таркибига киради. Бозор иқтисодиёти эркин иқтисодиётдир, яъни ҳар бир ҳуқуқий шахс, тадбиркор ўз товарига эркин баҳо белгилаши, маҳсулот этказиб берувчини ихтиёрий топиши ва ўзи истеъмолчини топиб, унга маҳсулотини сотиш ҳуқуқига эга. Шунинг учун давлат улар даромадларининг бир қисмини тақсимлаб, бюджетга оддий ажратма сифатида ололмайди. Солиқ шаклида даромадларни ундириш учун қонун чиқарувчи орган (Олий Мажлис)нинг қарори зарур, яъни қонуний асосда ундирилган тўлов бюджетга ўтади. Эркин иқтисодиёт шароитида солиқлар ҳам эркин, очик, аниқ бўлади, демократик тўловга айланади.

Солиқлар иқтисодий категория бўлганлигидан тўловчилар ва давлат ўртасида даромадлар тақсимланаётганда томонларнинг иқтисодий манфаатини албатта эътиборга олиш зарур. Давлат солиқ тўловчилар даромадини истаганича ололмайди, солиқларни бюджетга ундиришнинг маълум чегараси мавжуд. Бу чегарани давлат, солиқ тўловчиларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ва фойда олишдаги фаолиятини ҳисобга олиб белгилайди. Иккинчи томондан, солиқлардан макродаражада иқтисодиётни ривожлантириш, бозор инфратузилмасини яратиш ва бошқа умумдавлат мақсадлари учун этарли молиявий ресурслар тўплаш учун фойдаланилади. Солиқларнинг моҳияти солиқ тўловчилар билан давлат ўртасидаги доимий, узок муддатли муносабатларда ўз ифодасини топади.

Бюджет тизими бўғинлари даромадларини шакллантиришига кўра солиқларнинг умумдавлат (республика) ва маҳаллий солиқларга бўлиниши ҳукумат идораларининг марказий ҳукумат ва маҳаллий ҳукуматларга бўлиниши асосида келиб чиқади.

Бюджет тизими бўғинлари даромадларини шакллантиришига кўра солиқларнинг умумдавлат (республика) ва маҳаллий солиқларга бўлиниши ҳукумат идораларининг марказий ҳукумат ва маҳаллий ҳукуматларга бўлиниши асосида келиб чиқади. Ҳар бир ҳокимият идоралари ўзларининг бажарадиган муҳим вазифаларидан келиб чиқиб, ўз бюджетига ва уни таъминлайдиган солиқларга эга бўлиши керак. Республика ҳукумати умумдавлат миқёсида катта вазифаларни - мудофаа, хавфсизликни сақлаш, тартиб интизом инфраструктурасини яратиш, турли ижтимоий хизматларни молиялаштириш, фуқаролар ижтимоий ҳимоясини ташкил этиш ва бошқа бир қатор йирик вазифаларни бажаради. Шунинг учун унинг бюджети ҳам, солиқлари ҳажми ҳам салмоқли бўлиши шарт. Кўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, юридик шахсларнинг даромади (фойдаси)дан, фуқаролар даромадидан олинган солиқлар республика бюджетига тушади.



### **Ўзбекистон Республикаси солиқ тизими**

Умумдавлат солиқларининг муҳим хусусияти шундаки, республика бюджетига тушадиган солиқлардан маҳаллий бюджетлар даромадлилик даражасини тартибга солиб туриш мақсадида ажратмалар ажратилиши мумкин. Бордию, ажратмалар эвазига ҳам маҳаллий бюджетларнинг харажатлари қопланмаса, у ҳолда субвенция ёки дотация берилади. Агар келгуси йилда маҳаллий бюджетларнинг ўз манбалари барқарорлашиб, солиқлари ҳажми кўпайиб қолса, республика солиқларидан ажратмалар беришнинг зарурияти бўлмайди. Республика ва маҳаллий солиқлар ягона моҳиятга эга бўлиб, бюджетга тўланиши лозим бўлган мажбурий тўловлардир.

Маҳаллий солиқлар маҳаллий ҳукуматлар бажарадиган вазифаларига қараб белгиланиб, уларга доимий ва тўлиқ бириктириб берилади. Маҳаллий ҳукуматлар асосан меҳнаткашларга яқин бўлганлигидан улар ижтимоий

масалаларни - маориф, соғлиқни сақлаш, маданият, шаҳар ва қишлоқлар ободончилиги каби вазифаларни бажаради. Лекин одатда бу солиқлар ва йиғимлар улар бюджетлари харажатларининг 30-40 фоизини қоплайди, холос. Маҳаллий бюджетлар даромадларини кўпайтириш энг долзарб масалалардан биридир. Фақат ўз даромад манбаига тўлиқ эга бўлган маҳаллий ҳукуматгина ўз фаолиятларини тўлиқ амалга ошириши мумкин. Маҳаллий солиқларнинг муҳим хусусияти шундаки, улар фақат шу ҳудуднинг бюджетига тушади. Улар ҳисобидан бошқа бюджетларга ажратмалар берилмайди.

Маҳаллий солиқ Франция солиқ тизимининг анчагина қисмини ташкил этади. Маҳаллий органлар бюджети 80 минг мустақил бюджетдан ташкил топган. (коммуналар, бирлашган коммуна, департаментлар, регионлар ва ҳ.к.) Маҳаллий ҳокимият-иқтисодий ҳаётни асосий субъекти ҳисобланади. Давлат бюджетини 60 фоизини маҳаллий бюджет ташкил этади. Маҳаллий бюджет динамикаси куйидагича ифодаланади. Маҳаллий солиқ тизимини тўртта асосий йўналишга ажратиш мумкин:

- ер солиғи қуриб битирилган участкалар учун;
- ер солиғи қуриб битирилмаган участкалар учун;
- турар жой солиғи;
- мутахассислик солиғи [7].

### **3.2. Давлат бюджети даромадлари таркиби, тузилиши ва динамикаси.**

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети даромадлари [1]:

1) умумдавлат солиқлари, шу жумладан:

- юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи;
- ягона солиқ тўлови;
- жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;
- қўшилган қиймат солиғи;
- акциз солиғи;
- эр қаъридан фойдаланганлик учун солиқ;

2) божхона божлари;

3) қўшимча фойда солиғи;

4) маҳсулот тақсимотига оид битимлар бўйича фойда келтирадиган маҳсулотдаги давлат улуши;

5) бошқа даромадлар ҳисобидан шакллантирилади.

Бошқа даромадларга имзоли бонус ва тижоратбоп топилма бонуси тўланишидан тушган тушумлар, қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига йўналтирилдиган давлат божлари, йиғимлар, товон пуллари, компенсация тўловлари ва жарима санкциялари, давлат активларини жойлаштириш, фойдаланишга бериш ва сотишдан белгиланган нормативлар бўйича олинган даромадлар, мерос,

ҳадя ҳуқуқи бўйича давлат мулкига ўтказилган пул маблағлари, юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек чет давлатлардан тушган қайтарилмайдиган пул тушумлари, резидент-юридик шахсларга берилган бюджет ссудаларини, чет давлатларга берилган кредитларни тўлаш ҳисобидан тўловлар, акцияларнинг давлат улуши (пайи) бўйича дивидендлар (даромадлар), мобиль алоқа хизматлари кўрсатувчи юридик шахслар (уяли алоқа компаниялари) томонидан абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўлов, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фойдаси ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа даромадлар киради.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг даромадлари [1]:

1) белгиланган нормативларга мувофиқ умумдавлат солиқлари, шу жумладан:

- юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи;
- ягона солиқ тўлови;
- жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;
- тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ;
- қўшилган қиймат солиғи;
- акциз солиғи;
- эр қаъридан фойдаланганлик учун солиқ;
- сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

2) маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, шу жумладан:

- ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи;
- транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ;
- мол-мулк солиғи;
- ер солиғи;
- ягона ер солиғи;
- айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш учун йиғим;

3) юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек чет давлатлардан тушган қайтарилмайдиган пул тушумлари;

4) бозорлардан тушадиган даромадлар;

5) бошқа даромадлар ҳисобидан шакллантирилади. Бошқа даромадларга давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни реализация қилишдан тушган тушумлар, давлат активларини жойлаштиришдан, фойдаланишга беришдан ва сотишдан белгиланган нормативлар бўйича олинган даромадлар, қонун ҳужжатларига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига йўналтириладиган давлат божлари, йиғимлар, товон пуллари ва жарима санкциялари, эгасиз мол-мулкни, мерос ҳуқуқи бўйича давлат

ихтиёрига ўтган мол-мулкни, ҳуқуқ бўйича давлат даромадига ўтказилиши лозим бўлган хазиналарни реализация қилишдан тушган тушумлар ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа даромадлар киради.

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг даромадларининг тузилиши таркиби куйидагича:

1) Тўғри солиқлар

- юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи;
- савдо ва умумий оvқатланиш корхоналаридан олинadиган ягона солиқ тўловидан давлат бюджетига ажратмалар;
- ягона солиқтўловидан давлат бюджетига ажратмалар;
- жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи;
- тадбиркорлик билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслардан олинadиган қатъий солиқ;
- ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи;

2) Эгри солиқлар


- қўшиган қиймат солиғи;
- акциз солиғи;
- божхона божи;
- бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатилганлик учун олинadиган солиқ;

3) Мол-мулк ва ресурс тўловлари

- мол мулк солиғи;
- ер солиғи;
- ер қаридан фойдаланганлик учун солиқ;
- сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

4) Устама фойда солиғи

5) Бошқа даромадлар



### Давлат бюджетининг даромадлари амалиётдаги классификацияси

Тўғри солиқлар бўйича тўғридан-тўғри даромаддан солиқ тўланганлиги учун солиқлар ставкасининг камайтирилиши корхоналар даромадининг кўп қисмини уларга қолдириб, улар инвестиция фаолиятини кенгайтириш имконини яратади ва шу йўл билан бозор иқтисодиётининг ривожланишига туртки беради. Бу солиқларнинг ставкалари кўпайтирилса, корхоналарнинг бизнес имкониятлари камая бориб, иқтисодий ривожланишни сусайтиради.

Демак, бу гуруҳ солиқларнинг ставкалари тўғридан-тўғри бозор иқтисодиёти билан чамбарчас боғлиқдир.

Эгри солиқларнинг юридик жиҳатдан тўловчилари маҳсулот (ишлар, хизматларни) юклаб юборувчилар (хизмат кўрсатувчилар) бўлиб, солиқнинг ҳақиқий оғирлиги кейинги (сўнгги) истеъмолчининг зиммасига тушади, яъни бу эрда ҳақиқий солиқ тўловчи яширинган. Бу солиқларнинг суммаси товар (иш, хизмат) нархи устига устама равишда қўйилади. Бу солиқларнинг ижобий томони республикада ишлаб чиқарилган товарларнинг четга чиқиб кетишини чегаралайди, мамлакат ичида товарлар кўп бўлишига ёрдам беради. Эгри солиқлар орқали товарлар қиймати оширилмаса, бозорларда уларнинг тақчиллиги ортади. Эгри солиқлар ставкасининг асосли равишда оширилиши корхоналар фаолиятининг молиявий якунига тўғридан тўғри таъсир этмайди, яъни инвестицион фаолиятини қисқартирмайди. Аммо солиқ ставкаси таҳлил қилинмасдан ошириб юборилса корхоналар сотиш қийинчилигига учраб, фойда олишни ҳам бюджетга тўловларни ҳам камайтириши мумкин.

Бу солиқларнинг яна бир томони - муомаладаги ортиқча пул массасини камайтириб, инқирозни жилоблаб боради. Бироқ бу солиқлар меҳнат билан банд бўлган аҳолининг реал даромадларини пасайтиради. Корхоналарда тўғри солиқлар ставкасини камайтириш ҳисобига берилган имконият кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириб, товарлар ассортиментининг ошишини таъминлаши керак.

Жаҳон солиқ амалиётида тўғри ва эгри солиқлар нисбатига қараб у ёки бу мамлакат иқтисодиётининг ривожланиш даражасини ёки иқтисодий қийинчиликларни таҳлил қилиб бериш мумкин. Масалан. АҚШ да тўғри солиқлар салмоғининг бюджет даромадида 90 фоизга яқин бўлиши бу эрда ривожланган бозор иқтисодиёти амал қилаётганидан дарак беради.

### **3.3. Даромадларни бюджет тизими бўғинлари ўртасида тақсимлаш асослари.**

Барча мамлакатларда бўлгани каби Ўзбекистон Республикасида ҳам бюджет даромадлари таркибида солиқли даромадларнинг ҳиссаси сезиларли даражада юқорилиги билан ажралиб туради (90 % га яқин). Россияда бу кўрсат кич 72%, АҚШда 90%, Қозоғистонда 95% га яқинни ташкил этади.

Ушбу солиқли даромадларни турли даражадаги бюджетлар баланслашганлигини таъминлаш мақсадида бюджетлар ўртасида тақсимлаш муаммосига ўтиш босқичидаги барча давлатлар бюджетлараро муносабатлар тизимини ислоҳ қилиш жараёнига дуч келмоқда. Бунга асосий сабаб ханузгача тартибга солувчи солиқларнинг маҳаллий бюджет харажатларини молиялаштиришнинг асосий манбаи бўлиб қолаётганлигидир. Бу бир томондан бюджетлараро муносабатларини ажралмас таркибий қисми бўлса, бошқа томондан самарали бюджетларо



муносабатлар ислохотини амалга оширишга тўсқинлик қилиши мумкин. Чунки бундай тартибга солувчи даромадлардан меъёрий ажратмалар ажратиш амалиёти маҳаллий бюджетларни шакллантиришда беқарорлик ва ноаниқликни келтириб чиқариши, маҳаллий бюджетлар солиқ йиғимларини ошириш ҳамда солиқ имкониятларини кенгайтиришга қизиқишини рағбатлантирмаслиги мумкин.

Мамлакатда ислохотларни амалга ошириш босқичида солиқ ва ваколатларни бюджетлар ўртасида тақсимлаш механизми, бизнинг фикримизча, ўзида янада мураккаб тизим сифатида намоён бўлади. Методология, тамойил ва уни амалга ошириш амалиёти –қийин ва мураккаб жараён бўлибгина қолмай, бюджетлараро муносабатлар тизимини шакллантиришда ўтиш босқичи муаммоларининг кўп қиррали гини кўрсатиб беради. Бундай шароитларда маҳаллий бюджетлар баланслашганлигини таъминлаш ҳамда унинг манбаларини такомиллаштириш янада муҳим аҳамият касб этади.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари баланслаштирилган даромадлар ва харажатларга эга бўлиши лозим. Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари тақчиллигига йўл қўйилмайди <sup>[1]</sup>.

Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий бюджетлар баланслашганлиги умумдавлат солиқларини Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан ҳамда юқори турувчи бюджетлардан бериладиган меъёрий ажратмалар ва молиявий ёрдамни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш ҳисобига амалга оширилади. Ўзбекистон амалиётида умумдавлат солиқларидан тартибга солувчи солиқ сифатида фойдаланилишини кузатишимиз мумкин. Меъёрларни аниқлашда маҳаллий ва умумдавлат солиқлари ҳамда тегишли бюджетлар минимал харажатлари прогнози амалга оширилиб, унга мувофиқ ажратмалар меъёри аниқланади. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджетларига ажратмалар меъёри ҳар йили Олий Мажлис томонидан давлат бюджети қабул қилингандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тасдиқланади.

Туман ва шаҳарлар бюджетларига ажратмалар миқдори ҳам ҳар йили Қорақалпоғистон Республикаси вазирлар кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарорлари асосида кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ажратиладиган субвенциялар, ўтказиб бериладиган даромадлар ва дотациялар Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг даромадлари ҳисобланади.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ, Ўзбекистон

Республикасида ишлаб чиқариладиган пиво ва ўсимлик ёғи учун акциз солиғи Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари даромадларига ўтказиб берилади [1].

Халқаро амалиётда солиқ ваколатларини бюджетлар ўртасида тақсимлашнинг 3 та асосий моделидан фойдаланилади. Федератив тизим ҳамда кўп муниципал субъектларга эга мамлакатлар амалиётида кўп ҳолларда барча 3 та моделдан фойдаланиш кузатилади.

Биринчи модель – солиқларни йиғиш бўйича ваколатлар чегараларини ўрнатиш ва уларни маълум ҳукумат даражасига бириктириш. Ўзбекистон амалиётида ушбу моделдан фойдаланилади, расман ҳар бир солиқ тури қайсидир бюджет даражасига бириктирилган, яъни умумдавлат ва маҳаллий солиқлар. Таъкидлаш жоизки, деярли барча мамлакатлар бюджетлараро муносабатлар амалиётида ҳудудий ва маҳаллий ҳокимият органларининг маҳаллий солиқларни ўрнатишдаги ваколоти чекланганлиги туфайли ушбу моделдан қисман четга чиқиш юз беради, яъни солиққа тортишнинг барча асосий элементлари республика солиқ қонунчилиги асосида аниқланади.

Иккинчи модель – солиққа тортиш базасидан биргаликда фойдаланиш. Бу моделдан Россия Федерациясида фойдаланилишини кузатишимиз мумкин. Хусусан, корхона фойдасига солиқ ставкаси 20% ни ташкил этади, унинг 2% даги миқдори Федерал Бюджетга тушиши кўзда тутилган бўлса, қолган 18% и РФ субъектлари ихтиёрида қолади.

Учинчи модель – бутун мамлакат ҳудудида ягона ставкада солиққа тортиладиган аниқ солиқлардан келиб тушадиган даромадларни турли даражадаги бюджетлар ўртасида меъёрий тақсимлаш. Бунда солиқларнинг бюджетлараро тақсимоти асосида турли хил мезонлар ётиши мумкин: аҳоли сони, бирор-бир ҳудуднинг географик жойлашуви, иқтисодий аҳволи ва ҳ.к. Солиқларни тақсимлаш миқдори ва тартиби турли муддатларга ўрнатилиши мумкин. Умумдавлат солиқларининг бир қисми тегишли давлат органи томонидан ўрнатилган меъёрлар бўйича бюджет тизими бўғинлари ўртасида тақсимланади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодекси (ЎРҚ-360-сон. 26.12.2013).
2. Маликов Т., Хайдаров Н. Давлат бюджет. Ўқув қўлланма. Т.: Иқтисод-молия, ТМИ-2007, 84б.
3. Маликов Т., Хайдаров Н. Бюджет (tizими, тузилмаси, жараёни). Ўқув қўлланма. Т.: Иқтисод-молия, ТМИ-2008, 98б.
4. Каримова З.Х., Джамалов Х.Н., Исламқулов А.Х. Бюджет тизими. Ўқув қўлланма. “ВОРИС -НАШРИЁТ”. 2012. 208 б.
5. О. Ғайбуллаев, У. Ўроқов. Ўзбекистон Республикасида бюджет тизими ва жараёни: Ўқув қўлланма . Тошкент: Бактрия пресс, 2015, 168 б.

## Электрон таълим ресурслари

1. [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz) электрон журнали:
2. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
3. [www.mf.uz](http://www.mf.uz)– Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг расмий сайти.
4. [www.mfer.uz](http://www.mfer.uz)– Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлигининг расмий сайти.
5. [www.uza.uz](http://www.uza.uz)– Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги расмий сайти.
6. [www.sep.uz](http://www.sep.uz)– Иқтисодий тадқиқотлар Марказининг расмий сайти.
7. [www.uzreport.uz](http://www.uzreport.uz)– бизнес ахборотлари портали.

### **4-мавзу. Бюджет тизими бюджетларининг харажатларининг моҳияти, таркиби ва йўналишлари.**

#### **Режа:**

**4.1. Давлат бюджети харажатларининг давлатнинг функциялари билан боғлиқлиги. Бюджет харажатларининг таркиби ва тузилиши.**

**4.2. Бюджетнинг иқтисодий мақсадлардаги харажатлари.**

**4.3. Бюджетнинг ижтимоий соҳаларни сақлаш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш харажатлари: таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот ва ижтимоий ҳимоя харажатлари.**

**Таянч сўзлар:** Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари, бюджет ташкилотини Ривожлантириш жамғармаси, Давлат бюджети харажатлари, бюджетнинг жорий харажатлари, бюджетнинг капитал харажатлари, ижтимоий-маданий тадбирларни молиялаштириш харажатлари, иқтисодиёт харажатлари, марказлашган инвестицияларни молиялаштириш харажатлари, давлат бошқарув органларини сақлаш харажатлари, даромад ва харажатлар сметаси.

**4.1. Давлат бюджети харажатларининг давлатнинг функциялари билан боғлиқлиги. Бюджет харажатларининг таркиби ва тузилиши.**

Ҳар бир мамлакатнинг нормал ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан ривожланиши учун самарали фаолият қилувчи давлат зарур. Давлат жамиятга ва мамлакат фуқароларига зарур товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш, иқтисодиёт ва ижтимоий тармоқларнинг самарали фаолият қилиши учун меъёрий ва институционал тузилмаларнинг қонуний асосларини яратиш ва шу билан ўз фуқароларининг яшаши ва ишлаши учун моддий ва бошқа шарт-шароитларни яратиб бериш вазифаларини бажаради.

Шу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, давлатнинг асосий функциялари қуйидагилардан иборат:

1. Бозор хўжалигининг институционал асосларини шакллантирувчи қонуний ҳужжатларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш, амалга ошириш ва такомиллаштириш;

2. Макроиқтисодий ва ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш, иқтисодиётни самарали бошқариш ва тартибга солиш;

3. Асосий ижтимоий хизматларни молиялаштириш, аҳолининг муҳтож қатламларини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш;

4. Миллий манфаатларни ҳимоя қилган ҳолда, жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув жараёнларини бошқариш ва тартибга солиш;

5. Давлат бошқарувини, мамлакат мудофааси ва миллий ҳавфсизлигини таъминлаш;

6. Табиат муҳофазаси ва экологик мувозанатни таъминлаш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга ошириш ва ш.к.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мамлакат иқтисодий салоҳиятининг ошиб бориши билан давлатнинг куч-қудрати, унинг ўз функцияларини кенгайтириб бориш имконияти ортиб боради. Давлат ўз функцияларини муваффақиятли бажариши учун, шунингдек, ривожланишнинг ҳар бир босқичида долзарб бўлган стратегик мақсадларни амалга ошириш учун мамлакатда яратилган молиявий ресурсларнинг маълум бир қисмини ўз қўлида тўпламоғи ва мақсадга мувофиқ сарфламоғи объектив заруриятдир. Айнан шу объектив заруриятнинг мавжуд бўлиши давлат бюджети харажатларининг мавжуд бўлишини тақозо этади.

Давлат бюджети харажатлари ЯИМнинг қайта тақсимланиши натижасида давлат бюджетидеда жамланган пул маблағларининг мақсадга мувофиқ қайта тақсимланиши ва ишлатилиши билан боғлиқ бюджет қонунчилиги билан тартибга солинадиган пул муносабатлари йиғиндисидир.

Хулоса қилиб айтганда, миллий иқтисодиётни бошқариш ва тартибга солишда, ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлашда, ҳар бир даврнинг устувор тараққиёт вазифаларини муваффақиятли бажаришда давлатнинг бошқа иқтисодий инструментлари қатори, давлат бюджети ҳам муҳим аҳамият касб этади ва маълум вазифаларни бажаради.

Бюджет харажатларининг таркиби ва тузилиши. Давлатнинг иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаётда кечаётган жараёнларга таъсир этиш қуролидан бир давлат бюджетидир. Давлат бюджет харажатлари оқали жамият талабларига мос равишда пул маблағларини моддий ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳалари ўртасида қайта тақсимланиш жараёнини тартибга солиб туриши, иқтисодиётнинг устувор тармоқларининг ривожланишини рағбатлантириши, илмий-техника тараққиётининг жадаллашувига таъсир кўрсатиши мумкин. Бир сўз билан айтганда, бюджет харажатлари иқтисодиётни ва ижтимоий жараёнларни давлат томонидан бошқариш ва тартибга солишда муҳим восита – дастак бўлиб хизмат қилади.

Бюджет харажатлари – давлат ва маҳаллий ҳокимият вазифа ва фаолиятини молиявий таъминлашга йўналтириладиган пул маблағларидир. Бюджет маблағларига эгалик қилувчилар – бюджет маблағларини олувчилар ёки бошқарувчилар бўлган, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларидаги ташкилотлар бюджет харажатлари орқали молиялаштирилади. Шундай қилиб, бюджет харажатлари транзит характерга эга. Бюджетда фақат бюджет харажатларининг миқдори харажатлар моддалари бўйича белгиланади, бевосита харажатларни эса бюджет олувчилар амалга оширадilar. Бундан ташқари дотациялар, субвенциялар, субсидиялар ва бюджет ссудалари воситасида бюджет тизими даражалари бўйича бюджет маблағларини қайта тақсимлаш бюджет орқали амалга ошади. Бюджет харажатлари асосан қийтариб олинмайдиган характерга эга. Фақат бюджет кредитлари ва бюджет ссудалари қайтариладиган асосда берилиши мумкин. Харажатлар тузилмаси йил учун тасдиқланадиган бюджетда бевосита кўрсатилади ва бюджет даромадлари каби иқтисодий вазиятга, ижтимоий устуворликларга боғлиқ бўлади.

Иқтисодий мазмунига кўра давлат бюджети харажатлари – давлатнинг марказлашган пул фондини тақсимлаш ва ишлатиш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлардир.

Бюджет харажатларининг турлари хилма-хил бўлиб, бир қатор омилларга боғлиқ:

- давлатнинг табиати ва функцияларига;
- мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланганлик даражасига;
- бюджетнинг иқтисодиёт ва хизмат кўрсатиш соҳа-тармоқлари билан алоқаларининг кўламига;
- давлатнинг маъмурий-ҳудудий тузилишига;
- бюджет маблағларини тақдим этиш шаклларига ва б.

Бу омиллар таъсири остида ҳар қандай давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ҳар бир босқичидаги бюджет харажатлари таркиби ва тузилиши шаклланади. Масалан, агар давлатнинг асосий эътибори иқтисодиёт тармоқларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашга қаратилган бўлса, унда бюджет харажатлари таркибида йирик инвестицияларни давлат ресурслари ҳисобидан молиялаштириш харажатлари устун бўлади. Давлатнинг асосий эътибори жамиятдаги ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга, аҳолини ижтимоий ҳимоялашга, ижтимоий дастурларни амалга оширишга қаратилган бўлса, харажатлар таркибида ижтимоий мақсадлардаги харажатлар ортиб боради.

Ўз иқтисодий мазмунига қараб бюджет харажатлари жорий ва капитал харажатларга бўлинади.

Бюджетнинг жорий харажатлари – бюджет харажатларининг бир қисми бўлиб, давлат ҳокимияти органларининг, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларининг, бюджет ташкилотларининг жорий фаолиятини таъминлашга, давлат томонидан қуйи поғонадаги бюджетлар ва

иқтисодиётнинг айрим тармоқларига маблағ ажратиш, дотациялар, субвенциялар ва субсидиялар шаклида ёрдам кўрсатиш учун ажратилади.

Бюджетнинг капитал харажатлари – бюджет харажатларининг инновация ва инвестиция фаолиятини таъминлайдиган қисми ҳисобланади. Унга тасдиқланган инвестиция дастурига мувофиқ ишлаб турган ёки янгидан ташкил қилинадиган корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларга инвестициялар учун мўлжалланган харажатлар киради. Бу харажатлар инвестиция мақсадлари учун бюджет кредитлари тарзида бериладиган маблағлар, капитал таъмирлаш харажатлари ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш билан боғлиқ бошқа харажатлардан иборат.

Давлат бюджетининг харажат қисми қуйидагилардан иборат[1]:

- ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари;

- нодавлат ноижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш харажатлари;

- иқтисодиёт харажатлари;

- марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштириш харажатлари;

- давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини сақлаб туриш харажатлари;

- судларни, адлия ва прокуратура органларини сақлаб туриш харажатлари;

- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаб туриш харажатлари;

- бошқа харажатлар.

Давлат бюджетининг харажат қисми таркибида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг захира жамғармалари ҳисобга олинади.

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан қуйидаги харажатлар амалга оширилади<sup>[1]</sup>:

- 1) ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари, шу жумладан:

- мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-хунар таълими, олий таълим, олий ўқув юртидан кейинги таълим, мактабдан ташқари таълим, кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш муассасалари, болалар уйлари, таълим муассасаларини ахборот-услубий жиҳатдан таъминлаш муассасалари, вазирликлар ва идоралар тасарруфидаги таълим муассасалари, бошқа ёрдамчи муассасаларни сақлаб туриш, шунингдек қонун ҳужжатларида Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан молиялаштирилиши назарда тутилган таълим тизими тадбирларининг харажатлари;

- республика шошилиш тиббий ёрдам маркази, ОИТСга қарши курашиш республика маркази, Давлат санитария-эпидемиология назорати, карантин ва ўта хавфли инфекциялар профилактикаси, Саломатлик ва тиббиёт статистикаси институти, илмий-тадқиқот институтлари ва олий ўқув юр்தларининг клиникалари, қон қуйиш хизмати ва суд-тиббиёт экспертизаси республика муассасалари, республика вазирликлари ва идоралари тасарруфидаги бошқа даволаш-профилактика муассасалари ҳамда ёрдамчи ташкилотларни сақлаб туриш, шунингдек қонун ҳужжатларида Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан молиялаштирилиши назарда тутилган хизматлар ҳақини тўлаш харажатлари;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ айрим тоифадаги фуқароларга тиббий хизматлар кўрсатилганлиги учун республика ихтисослаштирилган марказлари харажатларининг ўрнини қоплаш (субсидиялар);

- қабул қилинган давлат дастурларига мувофиқ фуқароларнинг соғлиғини сақлаш тадбирларини амалга ошириш харажатлари;

- республика вазирликлари ва идоралари тасарруфидаги маданият, жисмоний тарбия ва спорт муассасаларини сақлаб туриш, теле- ва радиодастурлар яратиш ҳамда уларни тарқатишга доир хизматлар таъминоти ва уларга ҳақ тўлаш, ҳукуматнинг алоҳида қарорларига кўра оммавий ахборот воситаларини сақлаб туриш, кино- ва видеомаҳсулотлар яратиш, маданий мерос объектларида реставрация ишларини бажариш, тасдиқланган календарь режаларга мувофиқ маданият ва спортни ривожлантириш бўйича қонун ҳужжатларида Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан молиялаштирилиши назарда тутилган мақсадли тадбирлар харажатлари;

- фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновация ишларининг давлат илмий-техник дастурлари доирасида грантлар бўйича амалга ошириладиган илмий-техник лойиҳалар, ноёб илмий объектларни ва фанга хизмат кўрсатувчи муассасаларни сақлаб туриш, илмий лойиҳалар экспертизасини ўтказиш ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети ҳисобидан амалга ошириладиган фанга доир алоҳида тадбирлар харажатлари;

- давлат архивларини сақлаб туриш харажатлари;

- республика вазирликлари ва идоралари тасарруфидаги уруш ҳамда меҳнат фахрийлари учун пансионатлар ва санаторийларни, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасаларини сақлаб туриш, шунингдек қонун ҳужжатларида Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан молиялаштирилиши назарда тутилган, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга доир мақсадли тадбирлар харажатлари;

- давлат мукофотлари, давлат пул мукофотлари билан тақдирланганлиги муносабати билан бир йўла бериладиган давлат пул мукофотлари ва мукофотларини тўлаш харажатлари;

- болаликдан ногиронларга ва бола туғилганда бериладиган нафақаларни, қонун ҳужжатларида айрим тоифадаги шахсларга белгиланган компенсацияларни тўлаш учун ваколатли органга маблағлар ажратиш харажатлари;

- Чернобил АЭС ҳалокати оқибатларини тугатишда иштирок этган шахсларни ва радиация-ядро объектларида ҳарбий хизматни ўтаган пенсия ёшидаги шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, айрим тоифадаги шахсларга қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар ва компенсацияларни тўлаш харажатлари;

2) давлат грантлари, субсидиялар ва ижтимоий буюртма шаклида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш харажатлари;

3) иқтисодиёт харажатлари, шу жумладан:

- қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги республика назорат органларининг харажатлари, сув, қишлоқ, ўрмон хўжалиги харажатлари, қишлоқ хўжалиги экинлари зараркунандаларига қарши курашиш муассасаларининг хизматларига ҳақ тўлаш ва уларни сақлаб туриш харажатлари;

- ҳосилдорлиги паст эрларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини этиштирувчи фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлаш харажатлари;

- қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан тўланадиган ягона ер солиғи бўйича тушумларга мувофиқ бюджетдан ажратиладиган маблағлар ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган эрларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасининг ҳар йили тасдиқланадиган асосий параметрлари доирасида бюджетдан ажратиладиган мақсадли маблағлар;

- қонун ҳужжатларида Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан молиялаштирилиши назарда тутилган стандартлаштириш ва сертификатлаштириш, топография-геодезия, картография ва кадастр, шунингдек геология қидирув ишлари, давлат шаҳарсозлик кадастрини юритиш харажатлари, чегарадош давлатларга ҳақ эвазига эрдан фойдаланиш тўлови, гидрометеорология хизмати муассасаларини сақлаб туриш харажатлари;

- атроф муҳит ва ландшафтнинг муҳофаза қилинишини, биологик хилма-хилликнинг ҳимоя қилинишини таъминлаш билан боғлиқ харажатлар;

4) Республика вазирликлари, давлат кўмиталари ва идоралари буюртмачи бўлган марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштириш харажатлари;

5) давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини сақлаб туриш харажатлари, шу жумладан:



- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарини;
- Ўзбекистон Республикаси Президенти девонини;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасини;
- Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясини;
- Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судини;
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) котибиятини;

- қонун ҳужжатларида Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағларидан сақлаб турилиши назарда тутилган давлат бошқаруви органларини;

- Ўзбекистон Республикасининг чет эллардаги муассасаларини сақлаб туриш харажатлари;

б) судларни, адлия ва прокуратура органларини сақлаб туриш харажатлари;

7) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармасини шакллантириш харажатлари;

8) бошқа харажатлар.

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан:

- Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига субвенциялар, ўтказиб бериладиган даромадлар ва дотациялар;

- давлат мақсадли жамғармаларига бюджет ссудалари ва дотациялар;

- юридик шахсларга бюджет ссудалари ва кредит линиялари ҳамда чет давлатларга кредитлар белгиланган тартибда ажратилиши мумкин.

Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан қуйидаги харажатлар амалга оширилади[1]:

1) ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари, шу жумладан:

- умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, мактабдан ташқари таълим, педагог кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, бошқа ёрдамчи ва услубий таълим муассасаларини сақлаб туриш харажатлари;

- болалар уйлари, давлат болалар шаҳарчаларини сақлаб туриш, қонун ҳужжатларида Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан молиялаштирилиши назарда тутилган таълим тизимидаги ёрдамчи хизматлар ва мақсадли тадбирлар харажатлари;

- Республика шошилинч тиббий ёрдам маркази филиалини, кўп тармоқли ва ихтисослаштирилган тиббиёт марказларини, ихтисослаштирилган касалхоналар ва диспансерларни, туғруқхоналар ва акушерлик мажмуаларини, тиббий ташхис қўйиш ва давлат санитария-эпидемиология назорати марказларини, қон қуйиш хизмати ва суд-тиббиёт

экспертизаси муассасаларини, Саломатлик ва тиббиёт статистикаси институти филиалини, ҳудудий соғлиқни сақлашни бошқариш органлари тасарруфидаги бошқа даволаш-профилактика муассасалари ва ёрдамчи ташкилотларни сақлаб туриш, шунингдек қонун ҳужжатларида Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан молиялаштирилиши назарда тутилган хизматларга ҳақ тўлаш харажатлари;

- қабул қилинган давлат дастурларига мувофиқ фуқароларнинг соғлиғини сақлаш тадбирларини амалга ошириш харажатлари;

- ҳудудий маданият ва спортни бошқариш органлари тасарруфидаги маданият, жисмоний тарбия ва спорт муассасаларини сақлаб туриш, шунингдек маданият ва спортни ривожлантиришга доир мақсадли тадбирларни амалга ошириш харажатлари;

- Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тасарруфидаги архивларни сақлаб туриш харажатлари;

- Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тасарруфидаги қариялар ва ногиронларнинг интернат-уйлари, пансионатлари ва санаторийлари, ногиронларни реабилитация қилиш марказларини, бошқа муассасаларни сақлаб туриш харажатлари, шунингдек аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга доир мақсадли тадбирлар харажатлари;

- шаҳар йўловчилар транспорти ташувчиларининг йўловчиларни ва бағажни чекланган тарифлар бўйича ташиш, шунингдек алоҳида тоифадаги фуқароларни имтиёзли ташиш хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини қоплаш харажатлари;

2) иқтисодиёт харажатлари, шу жумладан:

- қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат органларини сақлаб туриш, шу жумладан ҳайвонлар касалликларига қарши курашувчи муассасалар хизматларига ҳақ тўлаш, шунингдек эрларни рекультивация қилиш ишларини бажариш;

- уй-жой-коммунал хўжалиги объектларида таъмирлаш ишларини олиб бориш;

- сув йўлларининг айрим техник участкаларини сақлаб туриш;

- аҳоли пунктларини ободонлаштириш;

- шаҳарларнинг, бошқа аҳоли пунктларининг кўчаларини ва хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларини таъмирлаш, шунингдек айрим ташкилотлар харажатлари;

- қонун ҳужжатларида назарда тутилган ўрмон хўжалигини сақлаб туриш харажатлари;

3) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари буюртмачи бўлган марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштириш харажатлари;

4) маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини, шу жумладан:

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесини;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари, давлат кўмиталари ва идоралари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, уларнинг бошқармалари ва бўлимларини сақлаб туриш харажатлари;

5) Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг захира жамғармаларини шакллантириш харажатлари;

6) давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб кўйилиши муносабати билан юридик ва жисмоний шахсларга этказилган зарарнинг ўрнини қоплаш харажатлари;

7) Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган ташкилотлар ва тадбирларнинг харажатлари.

Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан туманлар ва шаҳарлар бюджетларига бюджет ссудалари, дотациялар, субвенциялар ва ўтказиб бериладиган даромадлар ажратилиши мумкин.

Туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан қуйидаги харажатлар амалга оширилади[1]:

1) ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари, шу жумладан:

- туманлар (шаҳарлар) халқ таълими муассасалари фаолиятини услубий жиҳатдан таъминлаш ва ташкил этиш бўлимларини, шунингдек улар тасарруфидаги мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, мактабдан ташқари таълим муассасаларини сақлаб туриш ҳамда қонун ҳужжатларида туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан молиялаштирилиши назарда тутилган таълим тизимидаги тадбирлар харажатлари;

- туманлар (шаҳарлар) тиббиёт бирлашмалари тасарруфидаги даволаш-профилактика муассасаларини ҳамда давлат санитария-эпидемиология назорати туман, шаҳар муассасаларини сақлаб туриш харажатлари;

- қабул қилинган давлат дастурларига мувофиқ фуқароларнинг соғлиғини сақлаш тадбирларини амалга ошириш харажатлари;

- туманлар (шаҳарлар) маданият ва спорт ишлари бўлимлари тасарруфидаги маданият, жисмоний тарбия ва спорт муассасаларини сақлаб туриш, шунингдек маданият ва спортни ривожлантиришга доир мақсадли тадбирлар харажатлари;

- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан кам таъминланган оилаларга тайинладиган ҳамда тўланадиган ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам ҳамда табиий офатлардан жабрланган оилаларга моддий ёрдам, уйда ижтимоий ёрдам кўрсатиш, Чернобил АЭС ҳалокати оқибатларини тугатишда иштирок этган шахсларни ва радиация-ядро объектларида ҳарбий хизматни ўтаган пенсия ёшидаги шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари;

2) иқтисодиёт харажатлари, шу жумладан:

- ветеринария лабораториялари ва ҳайвонлар касалликларига қарши курашиш станцияларини сақлаб туриш;

- шаҳарларнинг ва бошқа аҳоли пунктларининг кўчаларини, шунингдек хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларини таъмирлаш;

- уй-жой-коммунал хўжалиги объектларида таъмирлаш ишларини олиб бориш;

- аҳоли пунктларини ободонлаштириш харажатлари;

3) туман ва шаҳар ҳокимликларини ҳамда уларнинг бўлимларини сақлаб туриш харажатлари;

4) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаб туриш харажатлари;

5) бошқа харажатлар, шу жумладан қонун ҳужжатларида туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан молиялаштирилиши назарда тутилган айрим ташкилотлар ва тадбирларнинг харажатлари.

Давлат бюджети харажатлари таркибида ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш харажатларининг изчил равишда ортиб бораётганлиги давлатимиз томонидан кучли ижтимоий сиёсатнинг молиявий асослари шакллантирилаётганлигидан далолатдир.

Давлат бюджети харажатларининг таркибидаги ижтимоий-маданий тадбирлар харажатлари йил сайин ошиб борган. Кейинги 4 йил мобайнида жами бюджет харажатларининг таркибида ижтимоий соҳага қилинаётган харажатлар 59 фоиздан ортиқроқни ташкил этган. Ушбу ҳолат жаҳондаги барча давлатлар орасида энг юқори кўрсаткични ташкил этадики, ўз навбатида, республикамизда изчил амалга оширилаётган ижтимоий ислохотларнинг узоқ, стратегик аҳамиятга эга эканлигидир. Шунингдек, ушбу харажатларнинг ўсиб бориши билан бирга, уларнинг давлат бюджети харажатларидаги энг юқори салмоқни ташкил этмоқда.

#### **4.2. Бюджетнинг иқтисодий мақсадлардаги харажатлари.**

Иқтисодиётга давлат томонидан таъсир кўрсатиш воситалари ичида давлат бюджетининг иқтисодий мақсадлардаги харажатлари алоҳида ўрин эгаллайди. Бу туркум харажатларга қуйидаги харажатлар киради:

• иқтисодиёт харажатлари

• марказлашган инвестицияларни молиялаштириш харажатлари

Иқтисодиёт тармоқларига йўналтирилган харажатлар камайиб бориш тенденциясига эга. Лекин бу харажатларни молиялаштиришдан бутунлай

воз кечиш ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Хатто тараққий топган бозор шароитида ҳам давлат маблағларини жалб қилишни талаб қиладиган соҳалар, тармоқлар, тадбирлар мавжуд бўлади.

Давлат бюджетининг харажатлари таркибида марказлашган инвестицияларни молиялаштиришга мўлжалланган харажатлари алоҳида ўрин эгаллайди ва давлатнинг стратегик мақсадларини, яъни иқтисодиётнинг ҳал қилувчи, устувор ҳисобланган тармоқлари бўлган – нефть, энергетика, ғалла этиштириш, пахтани қайта ишлаш саноати кабиларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилмоқда. Бу харажатлар бюджет харажатларининг 2016 йилда ўртача 4,9 фоизини ташкил қилади.

Умуман, давлат бюджетидан иқтисодиёт харажатлари асосан қишлоқ ва сув хўжалиги тармоғида фаолият юритувчи хўжалик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтирилмоқда. Шу орқали аграр тармоқда фаолият юритувчи корхоналарни ва хусусан, фермер хўжаликларининг барқарор фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилмоқда.

1-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, иқтисодиёт харажатлари эса 2013 йилда 2791 млрд. сўмни ташкил этган бўлиб, жами бюджет харажатларида 10,6 фоизни ташкил этган. 2016 йилга келиб ушбу харажатларнинг жами давлат бюджети харажатларидаги салмоғи 10,6 фоизни ташкил этмоқда. Лекин, ушбу харажатлар номинал мазмунда ўсиб борган.

Марказлаштирилган инвестицияларни бюджетдан молиялаштириш учун 2013 йилда 1300 млрд. сўмни, 2014 йилда 1500 млрд. сўмни, 2015 йилда 1800 млрд. сўмни ва 2016 йилда 2100 млрд. сўмни ташкил этмоқда. Бу, ўз навбатида, ҳозирги кунда амалга оширилаётган иқтисодиётни модернизация қилиш ва янгилаш, инновацион технологияларни кенг жорий қилиш билан боғлиқ йирик ва стратегик аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларни молиялаштиришда бюджет инвестицияларининг ҳам аҳамияти юқорилигидан далолат беради.

Давлат бюджетидан қишлоқ хўжалигини молиявий қўллаб-қувватлаш тизими қуйидаги йўналишларда амалга оширилмоқда:

– Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги сув хўжалиги ташкилотлари томонидан истеъмол қилинадиган электр-энергияси тўловларига харажатлар;

– Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган эрларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш фондига мақсадли ажратмалар;

– ҳосилдорлиги паст эрларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун мақсадли маблағлар.

Давлат бюджетидан иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш учун харажатлари таркибида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги

сув хўжалиги ташкилотлари томонидан истеъмол қилинадиган электр-энергияси тўловлари жами бюджет харажатлари таркибида 2013 йилда 3,5 фоизни, 2014 йилда 3,4 фоизни ва 2015 йилда 3,3 фоизни ташкил этган. 2016 йилда эса, 3,3 фоизни ташкил этиши режалаштирилган.

**Давлат бюджетининг иқтисодиёт харажатлари таркиби,  
жамига нисбатан фоизда**

| <b>Кўрсаткичлар</b>  | <b>2013<br/>йил</b> | <b>2014<br/>йил</b> | <b>2015<br/>йил</b> | <b>2016<br/>йил</b> |
|--|---------------------|---------------------|---------------------|---------------------|
| Давлат бюджети харажатлари   | 100                 | 100                 | 100                 | 100                 |
| Иқтисодиётга ажратилган харажатлар   | 10,6                | 10,7                | 10,1                | 10,6                |
| Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги сув хўжалиги ташкилотлари томонидан истеъмол қилинадиган электр-энергияси тўловлари                                   | 3,5                 | 3,4                 | 3,3                 | 3,3                 |
| Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш фондига мақсадли ажратмалар   | 0,8                 | 0,9                 | 0,8                 | 0,9                 |
| Ҳосилдорлиги паст ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун мақсадли маблағлар | 0,8                 | 0,9                 | 0,6                 | 0,6                 |
| Бошқа харажатлар   | 5,7                 | 5,8                 | 6,1                 | 2,1                 |

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2007 йил 29 октябрдаги «Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ «Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини 2008-2012 йилларда яхшилаш бўйича чора-тадбирлар дастури» ишлаб чиқилган. Ушбу дастур доирасида махсус фонд ташкил этилган бўлиб, ушбу фонд маблағларини шакллантиришга бюджетдан харажатлар амалга оширилмоқда. Ушбу

фондга ажратмаларнинг 2016 йилдаги миқдори жами бюджет харажатларига нисбатан 0,9 фоизни ташкил этган.

“Ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун пахта хом ашёсини этиштирувчи қишлоқ хўжалиги корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисида”ги Низомда давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар қуйидаги йўналишларда сарфланиши кўзда тутилган:

- фермер хўжаликларининг солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича қарздорликлари, бошқа жорий мажбуриятлари, асосий маҳсулотларни этиштириш учун моддий-техника ресурслар ва кўрсатилган хизматлар учун қарзларини тўлашга;

- келгуси йил ҳосили учун сотиб олинадиган ресурслар ва кўрсатиладиган хизматлар учун олдиндан тўловларга;

- ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирларини ва хўжаликнинг ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ бошқа харажатларини молиялаштиришга йўналтирилади.

Ушбу харажатларнинг жами бюджет харажатларидаги салмоғи 2016 йилга келиб 0,6 фоизни ташкил этмоқда. Умумий тенденцияда пасайиш кузатилаётган бўлса-да, номинал мазмунда унинг ўсиб бораётганлиги кузатилмоқда.

Инвестициявий молиялаштириш ва халқаро чегаралар орқали ўтадиган капитал оқимлари иқтисодчилар ва ҳукуматнинг эътибор қаратадиган асосий кўрсаткич бўлиб қолишда давом этади. Глобаллашув атамаси устида ҳанузгача баҳслар давом этмоқда ва у ҳақида аниқ бир тугал хулосага келинмаган. Тарихан, бошқа мамлакатлар ишлаб чиқариш салоҳиятини белгилашда инвестициялар сезиларли ўринга эга бўлган. Бирор компания ёки инвестицияловчи банклар гуруҳининг хориждаги бирорта ишлаб чиқариш соҳасига инвестиция киритиши, инвестиция киритилган мамлакатнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини оширган ва инвестор инвестиция қилган маблағини тезда қайтариб олиб чиқиб кетиши осонлик билан ҳал этиб бўлмайдиган масалага айланган. 1980-йилларнинг охирида жисмоний капиталдан фарқли равишда, акция ва облигация каби молиявий инструментларга халқаро трансакциялар ҳажми сезиларли даражада ўсди. 1990-йиллардаги Осиё ва ривожлананаётган бозорлардаги инқирозларнинг тезлашишининг асосий сабабларидан бири инвесторларга ўзлари киритган сармояларни тезда қайтариб олиш имконини берувчи савдога оид молиявий инструментларга қилинган хорижий инвестициялар ҳажми билан боғлиқ эди.<sup>42</sup> 2007-йилдаги юзага келган бозор инқирози Қўшма Штатларга жиддий даражада такрорланмади. Бироқ, Португалия, Италия, Греция ва Испания каби бошқа мамлакатлар инвесторлар мазкур мамлакатлар молия бозорларидан ўзларининг портфель инвестицияларини олиб чиқиб кетганлиги сабабли каттиқ босимни бошдан кечирдилар.

### **4.3. Бюджетнинг ижтимоий соҳаларни сақлаш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш харажатлари: таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот ва ижтимоий ҳимоя харажатлари.**

Таълим харажатлари. Мустақил Ўзбекистонда таълим тизими 1992 йил июлида мустақил Ўзбекистоннинг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни қабул қилиниши билан ислоҳ этила бошланди. Мазкур қонунга кўра таълим-тарбияда миллий ва умуминсоний қадриятлар, тарихий тажриба, халқимизнинг узоқ йиллар давомидаги илмий ва маданий анъаналари ҳамда жамият ривожининг истиқболлари асос қилиб олинди. Ушбу қонун асосида 1997 йилга қадар республикаимиз бўйича таълим муассасалари янги асосда ислоҳ этила бошланди. Бу йилларда “Мактабгача тарбия”, “Умумий ўрта таълим”, “Мактабдан ва синфдан ташқари тарбиявий ишлар”, “Ёшлар сиёсатига оид” каби қатор концепциялар ва дастурлар яратилди.

Бугунги кунда биз бу соҳада эришган ютуқларимиз мустақиллик йилларида қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини тўлалигича амалиётга тадбиқ этилишининг натижаси эканлигини эътироф этишимиз керак бўлади.

Ўзбекистан Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонунда давлатимизда таълимнинг ушбу шакллари белгиланган:


- мактабгача таълим;
- умумий ўрта таълим;
- ўрта махсус касб-хунар таълими;
- олий таълим;
- олий таълимдан кейинги таълим;
- малака ошириш ва кадрларни қайта тайёрлаш;
- мактабдан ташқари таълим.

кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг асосий йўналишлари ва амалга ошириш босқичлари 1-расмда келтирилган.

Бугунги кунда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ёш авлодга узлуксиз таълим бериш ва уни тарбиялаш жараёнини яхлит қамраб оладиган ягона таълим мажмуи ҳисобланади. Бунда таълим тизимининг ҳар бир бўғини алоҳида ўрин ва масъулиятга эгадир. Дастурни тўлиқ амалга ошириш, қўйилган вазифаларга эришиш ана шу бўғинларнинг ҳолати ва ривожланиш даражасига, уларнинг ўзаро уйғунлигига боғлиқдир.

Таълим – бу жамиятнинг стратегик ресурси ва давлат ҳамда жамият курилишида муҳим устуворлик эканлигини ҳисобга олиб, бутун таълим тизимининг ҳар бир босқичини бошқаришда давлат этакчи рол ўйнайди.





### **Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг асосий йўналишлари ва босқичлари**

Таълим тизими устидан давлат раҳбарлиги, аввало, қуйидагиларда намоён бўлади:

- таълим тизими мақсадларини аниқлашда;
- унинг ривожланишини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий асосларни ишлаб чиқишда;
- ресурслар билан таъминлаш ва молиялаштиришнинг бошқа манбаларини аниқлашда;
- қўйилган мақсадларга эришиш жараёни устидан мониторингни амалга оширишда.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида базавий ҳисобланмиш халқ таълими, яъни бошланғич таълимни ривожлантириш ва уни жаҳон стандартлари талабларига жавоб берадиган даражага этказиш, бошланғич таълимда илғор чет эл технологияларини қўллаш, унинг моддий-техник базасини яхшилаш ҳамда ўқитувчи ходимларнинг моддий рағбатлантиришни кучайтириш каби вазифалар ҳам белгиланган.

Бугунги кунда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ёш авлодга узлуксиз таълим бериш ва уни тарбиялаш жараёнини яхлит қамраб оладиган ягона

таълим мажмуи ҳисобланади. Бунда таълим тизимининг ҳар бир бўғини алоҳида ўрин ва масъулиятга эгадир. Дастурни тўлиқ амалга ошириш, кўйилган вазифаларга эришиш ана шу бўғинларнинг ҳолати ва ривожланиш даражасига, уларнинг ўзаро уйғунлигига боғлиқдир.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурига мувофиқ, таълим бир неча босқичларни қамраб олувчи узлуксиз жараён сифатида қаралади (2-расм):

| Ёш                | Таълим муассасасининг тури   |  | Таълим босқичлари (даражалари)       |
|-------------------|--|--|--------------------------------------|
| 25 ва ундан юқори | <b>Катта илмий-ҳодим изланувчилар ва мустақил изланувчилар институтлари (3 йил давомида)</b> |  | <b>Олий таълимдан кейинги таълим</b> |
| 24                | <b>Олий таълимнинг касбий дастурлари</b> (тиббиёт, ўқиш муддати 12 йилгача)                  | <b>Магистратура</b> (2 йилдан кам бўлмаган)                  | <b>Олий таълим</b>                   |
| 23                |  | <b>Умумий олий таълим дастурлари</b> (4 йилдан кам бўлмаган) |                                      |
| 22                |  |  |                                      |
| 21                |  |  |                                      |
| 20                |  |  |                                      |
| 19                |  | <b>Касб-ҳунар коллежи</b> (ўқиш муддати 3 йил)               |                                      |
| 18                | <b>Академик лицей</b> (ўқиш муддати 3 йил)   |  |                                      |
| 17                |  |  |                                      |
| 16                |  |  |                                      |
| 15                | <b>Умумий ўрта мактаб</b> (ўқиш муддати 5 йил)   |  | <b>Умумий ўрта таълим</b>            |
| 14                |  |  |                                      |
| 13                |  |  |                                      |
| 12                |  |  |                                      |
| 11                |  |  |                                      |
| 10                | <b>Бошланғич мактаб</b> (ўқиш муддати 4 йил)   |  |                                      |
| 9                 |  |  |                                      |
| 8                 |  |  |                                      |
| 7                 |  |  |                                      |
| 6                 | <b>II босқич</b>   |  |                                      |
| 5                 |  |  |                                      |
| 4                 |  |  |                                      |
| 3                 |  |  | <b>I босқич</b>                      |
| 2                 |  |  |                                      |

## **Ўзбекистон Республикасида узлуксиз таълим босқичлари**

олий таълим икки босқични қамраб олади: бакалаврият ва магистратура;


- олий ўқув юртидан кейинги таълим;
- малака ошириш ва кадрларни қайта тайёрлаш;
- мактабдан ташқари таълим.

Бюджет кодексига мувофиқ, мактабгача таълим муассасалари харажатлари республика ва маҳаллий бюджетлардан амалга оширилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикасида мактабгача тарбия муассасалари фаолиятини тартибга солувчи муҳим меъёрий ҳужжатлардан бири Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 25 октябрдаги “Мактабгача таълим соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” ги 255-сон қарори асосида тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида давлат мактабгача таълим муассасаси тўғрисида Низом” дир. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълим тизимини такомиллаштириш, унинг узлуксизлигини, шунингдек Кадрлар тайёрлаш миллий дастури вазифалари самарали амалга оширилишини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган ҳамда давлат мактабгача таълим муассасалари фаолиятини тартибга солишдан иборатдир.

Мактабгача таълим муассасаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига ҳамда ўз уставига амал қилади. Давлат мактабгача таълим муассасаларини молиялаштириш манбаларини қуйидаги 3-расмда кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги “Бюджет ташкилотлари харажатларини молиялаштириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” ги 414-сон қарори давлат бюджети ҳисобига маблағ билан таъминланадиган тармоқларда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш механизминини такомиллаштириш, бюджет маблағларидан самарали ва аниқ фойдаланиш мақсадида қабул қилинган.



### **Давлат мактабгача таълим муассасаларини молиялаштириш манбалари**

У қуйидагиларни назарда тутати:

бюджет маблағларидан тежаб, самарали ва аниқ фойдаланиш ҳамда бюджет интизомини мустаҳкамлаш учун бюджет ташкилотлари раҳбарларининг мустақиллигини кенгайтириш ва масъулиятини ошириш;

- бюджетдан маблағ олувчи ташкилотларни маблағ билан таъминлаш механизминини соддалаштириш ва бюджет маблағларидан фойдаланишда юқори натижаларга эришиш мақсадида мавжуд маблағларни оқилона тақсимлаш учун шарт-шароитлар яратиш;

- бюджет ташкилотлари ходимлари меҳнатини рағбатлантириш, улар фаолияти самарадорлигини ошириш ва кадрларнинг ўрнашиб қолиши учун шарт-шароитлар яратиш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 майдаги “Халқ таълими муассасалари харажатларини молиялаштириш механизминини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 139-сон қарори халқ таълими муассасаларини молиялаштириш механизминини янада такомиллаштириш, молиявий-иқтисодий масалаларни ҳал этишда мактабгача таълим муассасаларининг мустақиллигини кенгайтириш ва масъулиятини ошириш мақсадида қабул қилинган. Мазкур қарорга мувофиқ, маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган мактабгача таълим муассасаларига, уларда бухгалтер лавозимини киритган ҳолда босқичма-босқич юридик шахс мақоми берилиши кўзда тутилган. Шу билан бирга, мактабгача таълим муассасаларининг мудирларига ва бухгалтерларига ҳудудий молия органларининг халқ таълими муассасаларини молиялаштириш бўлимлари билан биргаликда қуйидаги функцияларни амалга ошириш юклатилди:

- педагог ходимларни тарификациялашни ҳисобга олган ҳолда мактабгача таълим муассасаларининг харажатлар сметасини ва штатлар жадвалини тузиш ва уларни молия органларида рўйхатдан ўтказиш;

- белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган харажатлар сметасини, шу жумладан товарлар (ишлар, хизматлар) этказиб бериш юзасидан шартномаларни фақат Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигининг ҳудудий бўлинмалари орқали ижро этиш ва тузиш;

- мактабгача таълим муассасаларида ўз вақтида жорий тўловларни амалга ошириш, иш ҳақи, нафақалар ва уларга тенглаштирилган тўловларни ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш;

- тасдиқланган штатларга, сметаларга ва молия интизомига қонун ҳужжатларига мувофиқ қатъий риоя қилинишини таъминлаш.

Умумтаълим муассасалари фаолиятини методик ва ташкилий жиҳатдан таъминлашни янада такомиллаштириш мақсадида 2011 йил 1 мартда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Халқ таълими ҳудудий органлари тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида» ги 52-сон қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорга кўра, Халқ таълими туманлар (шаҳарлар) бўлимлари ҳамда улар ҳузурида фаолият кўрсатувчи методик кабинетлар, таълим стандартлари мониторинги бўлимлари (шўъбалари), ўқувчиларни касбга йўналтириш ва психологик-педагогик диагностика марказлари негизида, улардаги мавжуд ходимлар сонини ўртача 5,0 фоизга қисқартирган ҳолда халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари ташкил этилди.

Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- идоравий мансублигидан ва мулкчилик шаклларида қатъи назар, мактабгача, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш ва улар томонидан давлат таълим стандартларига риоя этилиши юзасидан мониторингни амалга ошириш;

- мактабгача, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим, таълим муассасаларида ўқув-тарбия ишларини методик таъминлашни ташкил этиш, ўқув-тарбия жараёнига ўқитишнинг замонавий ва илғор шаклларини, энг янги педагогик ва ахборот технологияларини, - маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг самарали шакл ва методларини жорий этиш;

- таълим муассасалари томонидан улар ҳузурида ташкил этилган замонавий моддий-техника базасидан, шу жумладан ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси, мебеллар ва жиҳозлардан самарали фойдаланилишини таъминлаш;

- ўқувчиларнинг касбга йўналтирилишини ва психологик-педагогик диагностикасини, васийликни, болалар ва ўсмирларнинг ҳуқуқ ва

манфаатларини ҳимоя қилишни, улар билан, шу жумладан ижтимоий ночор болалар билан доимий иш олиб боришни ташкил этиш.

Мактабгача таълим муассасаларининг жон бошига режалаштириш тизимига ўтишгача бўлган даврда ушбу усулнинг умумий ўрта таълим тизимида тажрибадан ўтиши ўзининг ижобий натижаларини берди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сон қарори бир нафар тарбияланувчига харажатларнинг базавий меъёрларидан келиб чиққан ҳолда мактабгача тарбия болалар муассасалари бюджетини режалаштириш ва харажатларини молиялаштиришнинг янги тартибини жорий этиш тўғрисидаги 19-бандини бажариш мақсадида 2010 йил учун мактабгача таълим муассасаларида бир нафар тарбияланувчига харажатларнинг базавий нормативларини аниқлаш тартиби тўғрисида Низом ишлаб чиқилди ва у билан мактабгача таълим муассасалари бюджетини ҳисоблашнинг янги тартиби ўрнатилди. Ушбу ҳужжатда бир нафар тарбияланувчини тарбиялаш харажатларининг ҳудудлар (вилоятлар), мактабгача таълим муассасаси турлари (4 - 5, 9 - 10,5 соатли) кесимидаги базавий нормативлари, шунингдек, боғча ва ясли гуруҳларидаги болаларни овқатлантиришнинг молиявий меъёрлари келтирилган.

Бу меъёрлар асосида Низомда берилган формула бўйича мактабгача таълим муассасасининг умумий бюджети ҳисоблаб чиқарилади.

Ҳар кейинги йил (2011 ва 2012 йиллар) учун харажатларнинг янги базавий нормативлари ишлаб чиқилди ҳамда Молия ва Халқ таълими вазирликларининг қўшма қарорлари билан тасдиқланди.

“2012 йил учун давлат мактабгача таълим муассасаларида бир нафар тарбияланувчига харажатларнинг базавий нормативларини аниқлаш тартиби тўғрисидаги Низом” га мувофиқ ҳар бир давлат мактабгача таълим муассасасига ажратиладиган бюджет маблағларининг умумий ҳажми куйидаги формула асосида амалга оширилади:

$БС = (Н_1/К_1)*БНЗ_1 + (Н_2/К_2)*БНЗ_2 + Н_1*П_с + Н_2*П_я + (Н_1+Н_2)* БНЗ_3$  бу эрда:

**БС** - мактабгача таълим муассасаси бюджети;

**БНЗ<sub>1</sub>** - бир нафар боғча тарбияланувчисини тарбиялаш харажатларининг базавий нормативи;

**БНЗ<sub>2</sub>** - бир нафар ясли тарбияланувчисини тарбиялаш харажатларининг базавий нормативи;

**БНЗ<sub>3</sub>** - МТДМнинг бошқа харажатлари (ИВ гуруҳ) бўйича бир нафар тарбияланувчига харажатларнинг базавий нормативи;

**Н<sub>1</sub>** - боғча гуруҳларида тарбияланувчилар сони;

**Н<sub>2</sub>** - ясли гуруҳларида тарбияланувчилар сони;

**К<sub>1</sub>** - боғча гуруҳлари бўйича коэффициент;

$К_1 = Н_1 / (Н_1 * 20)$ ;

**Н<sub>1</sub>** - боғча гуруҳлари сони;

**К<sub>2</sub>** - ясли гуруҳлари бўйича коэффициент;

$$K_2 = H_2 / (H_2 * 15);$$

$H_2$  - ясли гуруҳлари сони;

$\Pi_c$  - бюджет бўйича бир нафар боғча ёшидаги тарбияланувчи овқати учун ажратилган маблағ миқдори;

$\Pi_y$  - бюджет бўйича бир нафар ясли ёшидаги тарбияланувчи овқати учун ажратилган маблағ миқдори.

Мактабгача таълим муассасаларида бир нафар тарбияланувчига харажатларнинг (миқдори ҳар бюджет йили учун бюджет соҳаси ходимлари иш ҳақи ҳажминингоширилиши ҳамда муассасалартомонидан истеъмол қилинадиган товарлар ва хизматлар нархи, тарифларининг ўзгаришига боғлиқ ҳолда қайта кўриб чиқиладиган ва ўрнатиладиган) базавий нормативларига қуйидаги харажатлар киритилган:

- тарбиячилар, маъмурий-хўжалик ва ёрдамчи ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари, ходимларни моддий рағбатлантириш фонди, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги меъёрий ҳужжатларига мувофиқ ягона ижтимоий тўлов (2014 йил учун меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг 25 фоизи);

- давлат мактабгача таълим муассасасини сақлаш билан боғлиқ бошқа харажатлар (коммунал хизматлар, жорий таъмирлаш, озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олиш, чиқимга оид материаллар ва х.к.).

Шунингдек, харажатларнинг базавий нормативларига айрим турдаги харажатлар миқдори (тегишли йил учун бюджет кўрсаткичларида назарда тутилган) бўйича индексация суммалари ҳам киритилган.

Давлат мактабгача таълим муассасасида бир нафар тарбияланувчига харажатларнинг базавий нормативларига ҳар бир давлат мактабгача таълим муассасаси эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда белгиланадиган, ҳудудий молия ва халқ таълими органлари томонидан тасдиқланадиган, манзилли рўйхатларга мувофиқ ажратиладиган қуйидаги харажатлар киритилмайди:

- кўмир сотиб олиш ва этказиб бериш;

- барча турдаги коммунал хизматлар истеъмолини ўлчайдиган ҳисоблагичлар сотиб олиш ва ўрнатиш;

- асосий воситалар сотиб олиш;

- капитал таъмирлаш.

Мактабгача таълим муассасаси фаолияти учун зарур бюджет маблағлари миқдори биз юқорида кўриб чиққан усул бўйича аниқланади. Ушбу маблағлар муассасанинг харажатлар сметасига киритилади ва режалаштириш жараёнида сметанинг харажат гуруҳлари бўйича тақсимланади.

Таълим харажати маҳаллий харажатларининг йирик туркуми ҳисобланади. 38%ли таълим харажати соф харажатларнинг иккинчи ўриндаги ажратилган кўрсаткичдан уч баравардан ҳам ортиқдир [8].

Соғлиқни сақлаш харажатлари. Маълумки, тиббий хизматлар анча қиммат турадиган неъмат бўлиб, ҳар бир киши ўз ҳаёти давомида истеъмол

қилиши мумкин бўлган тиббий хизматга ҳақ тўлаш учун қанча маблағ йиғиб қўйиш лозимлигини аввалдан билмайди. Лекин бир гуруҳ фуқаролар бирлашиб, ёки бутун бир жамият бу мақсадга мўлжалланган маблағни жамғариши мумкин.

Шу муносабат билан соғлиқни сақлаш тизимини аралаш молиялаштириш шаклига ўтиш масаласи ислохотларнинг марказида турган масала сифатида қаралиши мумкин.

Маълумки, тиббий хизматлар бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга. Булар қуйидагилар:

➤ Тиббий хизматларнинг кўпчилиги ижтимоий неъмат ҳисобланади, шунингдек, улар “ташки эффект” хусусиятига эга;

➤ Тиббий хизматларга бўлган эҳтиёж ҳамда уларнинг оқибатлари доимо ноаниқлик билан боғлиқ;

➤ Информацион асимметриянинг мавжудлиги.

Мана шу ўзига хосликларнинг мавжудлиги давлатнинг соғлиқни сақлаш тизимига аралашувини тақозо қилади.

Давлатнинг соғлиқни сақлаш соҳасидаги мажбуриятлари сифатида қуйидагиларни айтиб ўтиш лозим:

➤ Давлат даромадлари шаклланишининг барқарорлигини таъминлаш орқали соғлиқни сақлаш сектори учун ресурсларнинг мамлакат миқёсида сафарбар этилишини таъминлаш;

➤ Турли мулк шаклларидаги тиббиёт муассасалари фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий базасини яратиш;

➤ Аҳолига давлат томонидан қафолатланган базавий тиббий хизматлар пакетига кирган асосий тиббий хизматларни тақдим этиш ва уларни молиялаштириш юзасидан жавобгарлик;

➤ Тиббий хизматларнинг сифат стандартларини жорий қилиш ва уларга риоя этилишини назорат қилиш;

➤ Ижтимоий жиҳатдан ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларига тиббий хизматлар кўрсатиш ва уларни молиялаш ва ш.к.

Жаҳон тажрибасидан шуни кузатиш мумкинки, тиббий хизматларни молиялаш харажатлари бир қанча манбалардан қопланиши мумкин, яъни соғлиқни сақлаш секторини молиялаштиришнинг асосий манбалари қуйидагилар:

➤ Давлат бюджети

➤ Мажбурий ижтимоий (тиббий) суғурта

➤ Хусусий тиббий суғурта

➤ Тўғридан-тўғри тўловлар (истеъмолчиларнинг тиббий хизматларни сотиб олишдаги харажатлари)

Молиялаштиришнинг ҳар бир манбаси ўзига хос хусусиятларга эга, жумладан:

1. Давлат бюджети:



– Бюджетдан молиялаштириш тиббиёт муассасаларининг ишлаб чиқариш қувватлари асосида амалга оширилади;

– Ижтимоий адолат таъминланади;

– Барча аҳоли учун бир хил ҳажмдаги хизматлар кафолатланади;

– Бошқариш ва назорат қилиш учун нисбатан оддий ва арзон;

– Молиялаштириш тизими мақбул ва қулай.

2. Мажбурий ижтимоий (тиббий) суғурта:

– Ижтимоий адолатнинг таъминланиши;

– Барча аҳоли учун бир хил ҳажмдаги хизматларнинг кафолатланиши;

– Маблағларни тўплаш ва миқдорларни ҳимоя қилиш учун харажатларнинг ортиб бориши;

– Иш берувчилар томонидан норозилик келиб чиқишининг мумкинлиги.

3. Хусусий тиббий суғурта:

– ажратмаларнинг аксарият ҳолларда истеъмолчиларнинг тўлаш қобилиятига эмас, уларнинг эҳтиёжига боғлиқлиги;

– табақалашган тиббий ёрдам дастурларининг амал қилиши;

– харажатлар ҳажмининг ошириб бориши;

– бутун соғлиқни сақлаш тизимини қўллаб-қувватлаш учун маблағларнинг этарли эмаслиги;

4. Тўғридан-тўғри тўловлар:

– адолатли эмаслиги;

– рискларни умумлаштирмаслиги ва кенг тақсимлаш имкониятига эга эмаслиги;

– бутун тизимни этарли ресурслар билан таъминлай олмаслиги.

Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш харажатлари ҳозирги кунга қадар асосан давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилиб келинмоқда. Бу маблағларнинг ҳам қарийб 65-70 фоизи ходимларнинг иш ҳақига сарф этилмоқда. Шунга қарамадан, соҳа ходимларини моддий рағбатлантириш, соҳанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, янги техника ва технологияларни жорий қилиш учун асосан бюджет маблағларининг ўзи, давлат ресурсларининг чегараланганлиги боис, этарли эмаслигини амалиёт исботлаб турибди. Шунинг учун ҳам соғлиқни сақлашни ислоҳ қилишнинг долзарб йўналишларидан бири – тармоқни молиялашнинг кўп каналли тизимини жорий этиш эканлиги эътироф этилди.

Узоқ йиллар мобайнида давлат бюджетининг ижтимоий соҳаларни молиялаштиришда ягона манба бўлиб келганлиги ҳеч кимга сир эмас. Соғлиқни сақлаш тизими ҳам классик ижтимоий соҳа сифатида бир неча ўн йилликлар давомида тўлиғича бюджетга қарам соҳа бўлиб келган. Ҳозирги кунда ҳам давлат соғлиқни сақлаш тизими харажатларининг аксарият қисмини молиялашга бюджет маблағлари сафарбар этилмоқда. Хусусан,

солиқни сақлаш соҳасига ажратилган бюджет маблағлари давлат бюджетидан амалга оширилган жами харажатларнинг:

Соғлиқни сақлаш муассасалари аҳолига тиббий хизматларни тақдим этувчи ташкилотлар тизимини ташкил қилади. Бу муассасаларни қуриш, мавжудларини сақлаш, моддий-техникавий жиҳатдан таъминлаш, кадрлар масаласини ҳал қилиш қабилар тарихан давлат маблағлари эвазига амалга оширилиб келинган. Соғлиқни сақлаш тизимининг жорий ва капитал харажатларини молиялаштиришда давлат бюджетининг аҳамияти ҳали ҳам катта. Давлат бюджетининг ижтимоий-маданий соҳаларни сақлаш харажатлари таркибида соғлиқни сақлаш харажатлари халқ таълимидан кейин 2-ўринни эгаллайди.

Соғлиқни сақлаш муассасалари бўйича энг катта ўринни касалхоналар, иккинчи амбулатория поликлиника муассасалари, шунингдек, тез ва шошилиш тиббий ёрдам муассасалари эгаллайди.

Соғлиқни сақлашга қилинадиган харажатларни уларнинг иқтисодий мазмуни ва муассаса турларига кўра тўрт асосий гуруҳга бирлаштириш мумкин:

1. Амбулатория-поликлиника муассасалари, санитария-эпидемиология назорати хизмати ва бошқа муассасалар;

2. Умумий профилли стационар тиббиёт муассасалари ва бошқалар;

3. Ихтисослаштирилган стационар муассасалар;

4. Шошилиш ва тез тиббий ёрдам марказлари, тез ёрдам станциялари  
Давлат тиббиёт ва фармацевтика муассасалари гуруҳлари:

I. Амбулаторий-поликлиника муассасалари, санитарий-эпидемиология назорати хизмати ва бошқа муассасалар

1. Қишлоқ врачлик пунктлари ва уларнинг филиаллари (бўлимлари)

2. Шаҳарлардаги поликлиникалар (болалар поликлиникасидан ташқари)

3. Стационар ўринлари бўлмаган диспансерлар

4. Скрининг - марказлар

5. Республика болалар ва ўсмирлар репродуктив соғломлаштириш маркази

6. Саломатлик институти ва унинг филиаллари

7. Санитария-эпидемиология назорати хизмати муассасалари (республика, вилоят, шаҳар ва туман санитария-эпидемиология назорати марказлари, карантин ва ўта хавfli инфекциялар профилъактикаси маркази ва унинг филиаллари, дезинфекция станциялари)

8. Тиббиёт статистикаси бюроси

II. Умумий профилли стационар тиббиёт муассасалари ва бошқалар

9. Илмий-текшириш институтлари ва олий тиббиёт ўқув юртлари клиникалари

10. Республика касалхоналари, тиббиёт-санитария қисмлари

11. Республика (вилоят, шаҳар) перинатал маркази

12. Вилоят, шаҳар ва туман касалхоналари, жумладан, туғруқхоналар, туғруқхона мажмуалари

13. Шаҳар ва туман марказий касалхоналари, қишлоқ участка касалхоналари

14. Суд-тиббий экспертиза бюроси ва унинг филиаллари

15. Патологоанатомик марказлар ва уларнинг филиаллари

16. Қон қуйиш станциялари

17. Санаторийлар

III. Ихтисослаштирилган стационар муассасалар

18. Ихтисослаштирилган касалхоналар, клиникалар, диспансерлар ва марказлар:

18.1. Сил касалликлари

18.2. Юқумли касалликлар

18.3. Онкологик касалликлар

18.4. Тери-таносил касалликлари

18.5. Эндокринологик касалликлар

18.6. Руҳий касалликлар

18.7. Руҳий-асаб касалликлари

18.8. Наркологик касалликлар

19. Республика нейрохирургия, онкология (жумладан хоспислар), аллергология, суяк хасталиги ва жароҳат оқибатларини даволаш, йирингли хирургия ва қандли диабет асоратларини даволаш, болалар ортопедияси тиббиёт марказлари

20. Фтизиатрия ва пулмонология, эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар, вирусология, эндокринология ва паразитология илмий-тадқиқот институтлари клиникалари

21. ОИТСни даволаш маркази ва унинг филиаллари

22. Болалар касалхоналари ва поликлиникалари

23. Болалар уйлари

24. Лепрозорийлар

IV. Шошинч ва тез тиббий ёрдам марказлари, тез ёрдам станциялари

25. Республика шошинч тиббий ёрдам маркази - унинг вилоятлардаги филиаллари, туманлар (шаҳарлар) марказий касалхоналаридаги шошинч тиббий ёрдам бўлимлари

26. Тез тиббий ёрдам станциялари

Ижтимоий соҳалар фаолиятини режалаштиришнинг бир неча ўн йилликлар давомида шаклланган тартибларга мувофиқ, соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятини режалаштириш одатда қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

1. Аҳоли сони ва аҳолининг тиббиёт муассасасидаги ўринларга эҳтиёж меъёрлари асосида тиббий муассасанинг ишлаб чиқариш қувватлари (у ёки бу профил йўналишлари бўйича ўринлар - койкалар сони) ни аниқлаш;

2. Мазкур муассаса учун ўрнатилган намунавий штат нормативлари бўйича зарур штат нормативлари сонини ҳисоблаб топиш;

3. Койкалар сони ва тузилиши (терапевтик, хирургик, неврологик)га кўра иш ҳажмини режалаштириш;

4. Штатлар жадвали, ишлаб чиқариш қувватлари ва койкалар ишининг кўрсаткичлари (койка-кунлар сони) га асосланиб тиббиёт муассасасини сақлаш учун молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш.

Демак, соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳар бир муассасанинг иши оператив тармоқ кўрсаткичлари, масалан:

- касалхоналардаги ўртача йиллик ўринлар сони (жами ва ўринлар профиллари бўйича),

- бир йилда ўринларнинг ишлаш кунлари сони,

- ўрин-кунлар миқдори,

- барча тоифадаги ходимлар бўйича ўртача йиллик штатлар бирлиги сони,

- амбулатория-поликлиникаларда врач қабуллари (касални кўриш) сони билан тавсифланади.

Харажатларни режалаштиришда шу нарса муҳимки, даволаш-профилактика муассасаси аҳолига тиббий ёрдамни асосан икки шаклда кўрсатади. Касалхонага муқим ётқизиб «стационар» (турғун) даволаш ва амбулатория-поликлиникада ёрдам кўрсатиш. Турғун даволаш муассасаларининг асосий кўрсаткичларидан бири - ўрин-кунлар сони бўлса, амбулатория-поликлиника муассасасининг асосий кўрсаткичини врач лавозимлари сони ва врач қабуллари сони ташкил қилади. Шунга қараб харажатларни ҳисоблаш усули танланади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодекси (ЎРҚ-360-сон.26.12.2013).

2. Маликов Т., Хайдаров Н. Давлат бюджет. Ўқув қўлланма. Т.: Иқтисод-молия, ТМИ-2007, 84б.

3. Маликов Т., Хайдаров Н. Бюджет (тизими, тузилмаси, жараёни). Ўқув қўлланма. Т.: Иқтисод-молия, ТМИ-2008, 98б.

4. Каримова З.Х., Джамалов Х.Н., Исламқулов А.Х. Бюджет тизими. Ўқув қўлланма. “ВОРИС -НАШРИЁТ”. 2012. 208 б.

5. О. Ғайбуллаев, У. Ўроқов. Ўзбекистон Республикасида бюджет тизими ва жараёни: Ўқув қўлланма . Тошкент: Бактрия пресс, 2015, 168 б.

#### **IV. Электрон таълим ресурслари**

14. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)

15. Infocom.uz электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz).

16. [www.mf.uz](http://www.mf.uz)– Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг расмий сайти.

17. [www.mfer.uz](http://www.mfer.uz)– Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлигининг расмий сайти.
18. [www.uza.uz](http://www.uza.uz)– Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги расмий сайти.
19. [www.sep.uz](http://www.sep.uz)– Иқтисодий тадқиқотлар Марказининг расмий сайти.
20. [www.uzreport.uz](http://www.uzreport.uz)– бизнес ахборотлари портали.

## **5-мавзу. Давлат молиявий назорати.**

### **Режа:**

**4.1. Давлат молиявий назоратининг мазмуни, вазифалари ва аҳамияти. Давлат молиявий назоратининг принциплари.**

**4.2. Давлат молиявий назоратининг шакллари, турлари ва усуллари.**

**4.3. Давлат молиявий назоратини амалга оширувчи органлар ва уларнинг вазифалари.**

**Таянч сўзлар:** Давлат молиявий назорати, давлат молиявий назоратининг принциплари, давлат молиявий назоратининг шакллари, давлат молиявий назоратининг турлари, давлат молиявий назоратининг усуллари, дастлабки назорат, жорий назорат, якуний назорат, ёппасига назорат, танлов асосидаги назорат, комплекс назорат, мавзули назорат.

**4.1. Давлат молиявий назоратининг мазмуни, вазифалари ва аҳамияти. Давлат молиявий назоратининг принциплари.**

Давлат молиявий назорати тегишли давлат хокимияти органларининг ҳамда маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларининг давлат молиявий ресурсларининг шпклланиши, тақсимланиши, мақсадга мувофиқ ва самарали ишлатилиши устидан, шунингдек, давлат ва маҳаллий мулкдан қонуний асосда фойдаланиш устидан назорат қилиш юзасидан молиявий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган мақсадли фаолиятдир. Бу фаолиятнинг асосий мақсади назорат қилинадиган объектлар фаолиятидаги камчиликларни топиш ва мансабдор шахсларни жазолашдан иборат бўлиб қолмасдан, балки бу камчиликларнинг олдини олиш, уларга йўл қўймаслик, огоҳлантиришдан иборатдир.

Давлат молиявий назорати бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг молиявий назорат объектлари томонидан бузилиши ҳолларини аниқлаш, бартараф этиш ва унга йўл қўймаслик мақсадида давлат молиявий назорат органлари томонидан амалга оширилади.

Давлат молиявий назорати:

республика даражасида — Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг, давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ва республика бюджетидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари

бюджетдан ташқари жамғармаларининг шакллантирилиши ҳамда ижро этилиши устидан;

маҳаллий даражада — Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари бюджетдан ташқари жамғармаларининг шакллантирилиши ҳамда ижро этилиши устидан амалга оширилади.

Давлат молиявий назорат органлари давлат молиявий назоратини давлат молиявий назорат органлари ёки ваколатли орган томонидан тасдиқланадиган назорат қилиш йиллик режаларига мувофиқ амалга оширади.

Айрим ҳолларда режадан ташқари давлат молиявий назоратини амалга оширишга:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг;

давлат молиявий назорат органига бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисида Маълумотлар келиб тушган ҳолларда давлат молиявий назорат органлари раҳбарларининг қарорлари асосида йўл қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва унинг тасарруфидаги ваколатли органлар давлат молиявий назорат органларидир.

Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг даромадлари қисми бўйича давлат молиявий назорати берилган ваколатлар доирасида давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

Бизга маълумки, умумдавлат молиявий назорати бутун мамлакат миқёсида тегишли ваколатларга эга бўлган ихтисослашган давлат назорат органлари томонидан амалга оширилади. Умумдавлат молиявий назорати куйидаги назорат турларини қамраб олади:

- бюджет назорати
- солиқ назорати
- божхона назорати
- валюта назорати
- пул муомаласи назорати

Умумдавлат молиявий назоратининг асосини бюджет назорати ташкил қилади. Бюджет назорати барча даражадаги бюджетларнинг, давлатнинг бюджетдан ташқари фондларининг шаклланиши, давлат молиявий ресурсларининг қонуний ва мақсадга мувофиқ ишлатилиши устидан назоратни таъминлайди. Назоратнинг бу турини Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги, унинг қошидаги Назорат-тафтиш бошқармаси, Молия

вазирлиги Ғазначилиги каби ихтисослашган оператив бошқариш ва назорат органлари амалга оширадилар.

Бюджет назоратининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Бюджетни тўғри тузиш ва ижро этишни таъминлаш;
- Бюджет ва солиқ амалиётига доир қонун ҳужжатларига риоя қилиш;
- Бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар маблағларининг мақсадли ва самарали ишлатилишини текшириш;
- бюджет ва солиқ интизомига риоя қилинишини таъминлаш;
- бюджетлараро муносабатлар механизмнинг амал қилишини назорат қилиш;
- банкларда ва бошқа кредит ташкилотларида бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар маблағларининг айланишини текшириш;
- минтақаларни молиявий қўллаб-қувватлашда мақсадли бюджет жамғармаларининг шаклланишини ва тақсимотини назорат қилиш;
- давлат бюджетидан ажратиладиган субвенция, дотация, ссуда ва бошқа молиявий ёрдам турларининг берилишини назорат қилиш ва бошқалар.

Ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, ижтимоий-сиёсий тангликлар ва молиявий-иқтисодий инқирозлар шароитида бюджет назоратининг аҳамияти ўсиб боради ва янги мазмун касб этади.

Бюджет назорати:

- давлат молиявий назоратининг муҳим қисми бўлиб, бюджет жараёнида амалга оширилади;
- бош мақсади - бюджет муносабатларининг барча иштирокчилари томонидан бюджет қонунчилигига риоя этилишини назорат қилиш;
- бюджет тизими бюджетлари маблағларининг ташкил топиши, тақсимланиши ва фойдаланилишининг қонунийлиги, мақсадга мувофиқлиги ва самарали эканлигини давлат органлари томонидан текшириш тадбирлари тизими сифатида қаралади;
- қонунбузарликларнинг олдини олиш, аниқлаш, фош қилиш ва бартараф этиш бўйича чораларни қўллашга, давлат бюджетини шакллантириш ва харажатларни амалга оширишда янги имкониятларни топишга, солиқ-бюджет интизомини яхшилашга йўналтирилган;
- ҳукуматнинг ваколатли органлари томонидан Ҳисоб палатаси (Ўзбекистоннинг молиявий назоратни амалга оширувчи олий мустақил органи)ни жалб қилган ҳолда, молия ва солиқ органлари томонидан (ҳукумат ижроия органларининг назорати) амалга оширилади.

➤ Бюджет назоратининг вазифалари:

- бюджет моддалари ҳажми, таркиби ва мақсадлилиги бўйича тўғри тузилиши ва ижро этилишини таъминлаш;
- бюджет маблағлари ҳисобига харажатларни назарда тутувчи ёки бюджетнинг шаклланиши ва ижросига таъсир этувчи давлат органларининг қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари лойиҳалари, давлат дастурлари ва

бошқа ҳужжатларнинг молиявий экспертизасини амалга ошириш;

➤ бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи юритилишининг тўғрилиги устидан назорат;

➤ бюджет маблағлари ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағларининг самарали ва мақсадли ишлатилиши устидан назорат;

➤ барча даражадаги бюджетлар ва бюджетдан ташқари жамғармаларга ту-шумлар тўлиқ ва ўз вақтида келиб тушиши устидан назорат;

➤ бюджет жараёнининг барча босқичларида бюджет ва солиқ интизомига риоя қилиниши устидан назорат;

➤ турли даражадаги бюджетларнинг даромадлар базасини ошириш ва уларнинг харажатлар қисмини камайтириш захираларини аниқлаш;

➤ бюджетларро муносабатлар механизмини амалга ошириш устидан назорат;

➤ бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳаракатларининг қонунийлиги ва ўз вақтидалиги устидан назорат;

➤ исрофгарчилик ва молиявий суистеъмолларни аниқлаш, солиқ имтиёзлари, давлат дотациялари, субвенциялар, трансфертлар ва алоҳида тўловчилар ёки ҳудудларга бошқа турдаги ёрдамларни бериш бўйича ноқонуний қарорларнинг олдини олиш ва айбдор шахсларга тегишли жазо чораларини қўллаш;

➤ бюджет-молия интизомини кучайтириш мақсадида профилактика, ахборот-тушунтириш ишлари олиб бориш.

Бюджет назорати тизими ўзида қуйидаги элементларни мужассамлаштиради:

- назорат субъекти (ким назорат қилади);
- назорат объекти (кимни назорат қилади);
- назорат предмети (нимани назорат қилади);
- назорат принциплари;
- назорат услуби (методикаси);
- назорат техникаси ва технологияси;
- назорат жараёни;

- назоратни амалга ошириш учун дастлабки Маълумотларни тўплаш ва қайта ишлаш;

- назорат натижаси;
- назорат натижаси бўйича қарор қабул қилиш;
- назорат самарадорлигини баҳолаш.

Юқорида санаб ўтилган элементлар йиғиндиси бюджет назорати механизмини ташкил этади ва у молия (бюджет) қонунчилигининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Бюджет назоратининг субъектлари ҳокимиятнинг вакиллик органлари (парламент назорати) ҳамда ҳукумат ва давлат бошқаруви (ижро) органлари




(маъмурий назорат), Молия вазирлиги, Ғазначилик, ҳудудларнинг молия органлари, бюджет маблағларининг бош тасарруфчилари ва бошқалардир.

Бюджет назорати объектларига солиқ-бюджет соҳаси ва бюджет жараёнигина эмас, балки бозор муносабатлари субъектларининг молиявий-хўжалик фаолияти жараёни ҳам тўлиқ қиради.

Бюджет назорати предметига қуйидагилар қиради: бюджет жараёнининг барча босқичлари; бюджетга солиқ ва бошқа мажбурий тўловларнинг тушиши; бюджетдан ташқари жамғармаларга ажратмалар; солиқлар бўйича ҳисоб-китоблар; бухгалтерия (молиявий) ҳисоби ва ҳисоботи; мақсадли бюджет жамғармалари; дотациялар; субвенциялар; ссудалар; трансфертлар; товар-моддий бойликларини айирбошлаш ва текинга бериш; божхона қиймати ва бошқалар.

Давлат молиявий назоратини ўтказишнинг қонунийлиги ва мустақиллиги, шунингдек давлат молиявий назорати натижаларининг ишончлилиги ва холислиги давлат молиявий назоратининг принципларидир [1].



### **Давлат молиявий назоратининг принциплари**

Молиявий фаолиятнинг ажралмас қисми ҳисобланган бюджет назоратига қонунийлик, режалилик, тизимлилик, узлуксизлик, самаралилик, ошкоралик, мустақиллик, объективлик ва лаёқатлилик принциплари ҳосдир.

Қонунийлик принципи Конституция билан белгиланган бўлиб, давлат ва унинг барча органлари (шу жумладан назорат органлари) қонунга мувофиқ фаолият юритишини, жамият ва фуқароларнинг манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашини назарда тутуди ва пул маблағлари жамғармаларининг яратилиши, тақсимланиши ва улардан фойдаланиш жараёни молия ва бюджет қонунчилиги нормалари билан муфассал тартибга солинишида намоён бўлади.

Режалилик принципи давлатнинг молиявий фаолияти молия-режа хужжатлари (давлат бюджети, маҳаллий бюджетлар, давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармалари бюджетлари, бюджет ташкилотлари сметалари, давлат корхоналарининг даромадлар ва харажатлар баланси) тизимига асосланганини англатади, уларни тузиш, тасдиқлаш, ижро этиш тартиби тегишли норматив хужжатлар билан белгиланади.

Тизимлилик принципи назорат тадбирларини ўтказишда назорат объект-тининг барча томонлари ва унинг ўзаро алоқалари вертикал ва горизонтал бошқарув тизимлари бўйича кўриб чиқилишини назарда тутуди.

Узлуксизлик принципи барча назорат объектлари (бошқариладиган тизим) назорат субъектлари (тизимни бошқарувчилар) томонидан доимий равишда амалга ошириладиган дастлабки оператив ва даврий назорат, уларнинг фаолиятлари шартлари ва хусусиятларидан келиб чиқиб белгиланган муддатларда назорат остида бўлишини англатади. Бу режалар ва вазифаларнинг бажарилиши устидан доимий кузатишни, белгиланган кўрсаткичлардан оғишлар аниқланганда фаолиятга тузатишлар киритиш чоралари кўрилишини таъминлайди.

Назоратнинг самаралилиги принципи молия-хўжалик фаолиятидаги меъёрдан оғишларни ва уларнинг сабабларини ўз вақтида ва тўлиқ аниқлашда, шунингдек юз берган салбий ҳолатларни тезкорлик билан бартараф этиш ва этказилган моддий зарарни ўз вақтида қоплашда намоён бўлади.

Ошкоралик принципи жамият эътиборига оммавий ахборот агентлиги орқали турли молиявий-режа хужжатлари лойиҳаларини, уларнинг ижроси бўйича берилган ҳисоботларни, молиявий фаолиятни текшириш ва тафтиш қилиш натижалари мазмунини этказишда намоён бўлади.

Мустақиллик принципи назорат қилувчи органнинг молиявий мустақиллигини, назорат органлари раҳбарларининг ваколат муддатлари парламентникига нисбатан узунлигини, уларнинг мақоми Конституция билан белгиланганлигини кўрсатади.

Объективлик ва лаёқатлилик (компетентлик) принципи назорат натижалари, текширилган фактларнинг мазмуни қонунлар, йўриқномалар ва мансабдор шахсларнинг фаолиятини назорат қилишни тартибга солувчи бошқарув органларининг фармойишлари билан солиштириш асосида тўғри, тўлиқ ва объектив тушунтирилишини назарда тутуди. Бу принцип

назоратчи-тафтишчилар касбий маҳоратининг юқорилигини ва улар амалдаги қонун ҳужжатларига тўлиқ риоя қилишларини тақозо этади.

#### **4.2. Давлат молиявий назоратининг шакллари, турлари ва усуллари.**

Бизга Маълумки, молиявий назоратнинг дастлабки, жорий ва сўнгги назорат каби шакллари мавжуд. Бюджет назоратини ташкил этиш жараёни ҳам назоратнинг ана шу шакллари орқали амалга оширилади.

Дастлабки молиявий назорат турли даражадаги бюджетлар лойҳаларини тузиш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш; даромад ва харажатлар сметаси, бюджет билан боғлиқ қонун лойҳаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнида амалга ошириладиган назорат шаклидир. У моддий ва молиявий ресурсларни нораціонал ишлатилишининг олдини олишга хизмат қилади. Дастлабки назорат чоғида қўшимча маблағларни жалб қилиш имкониятлари, кўзда тутилган харажатларнинг асосланмаганлиги аниқланиши мумкин. Назоратнинг бу шакли хўжалик операцияларининг бюджет йилининг бошланишидан олдиноқ қонунлар ва меъерий ҳужжатлар талаблари бузилишининг олдини олади. Масалан, молия органлари ҳар бюджет йилининг биринчи чорагида барча бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаларининг тўғри тузилиши, тасдиқланиши ва ўз вақтида молялаштирувчи органга этказилиши устидан дастлабки назоратни ўтказадилар<sup>1</sup>. Умуман, амалдаги қонунчиликка асосан, бюджет маблағларини ишлатиш юзасидан олиб бориладиган операциялар устидан дастлабки ва жорий назорат бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги, унинг жойлардаги ҳудудий бўлинмалари, Молия вазирлиги Ғазначилиги (давлат бюджетининг ғазна ижросини амалга ошириш чоғида) органларига юклатилган.

Жорий бюджет назорати операцияларни амалга ошириш чоғида, ссудалар ва бюджет субсидияларини ажратиш пайтида, ажратилаётган молиявий маблағларнинг режавий кўрсаткичларга мувофиқлигини аниқлашда амалга оширилади. Назоратнинг бу шакли молялаштирувчи органлар томонидан ажратилган ва сарфланаётган маблағларнинг ўзлаштириб олинишини, суъистеъмол қилиш ҳолатларининг олдини олади, молиявий интизомга риоя қилишни, пуллик ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлайди. Бунда бухгалтерия хизматлари фаолияти алоҳида аҳамиятга эга. Яхши йўлга қўйилган жорий назорат бюджет ресурсларини иқтисод қилиш имконини беради.

Сўнгги назорат ҳисобот даври ва бюджет йили тугагандан сўнг амалга оширилади. Сўнгги назорат ҳисобот йилида бюджет маблағларининг ишлатилиши, режавий кўрсаткичларнинг бажарилиши, харажатлар сметасининг бажарилиши, бюджет лимитлари ва нормативларига риоя қилинганлиги, бухгалтерия ҳисоби ва якуний молиявий натижаларни таҳлил ва тафтиш қилиш асосида ўтказилади. Кўп ҳолларда сўнгги назорат

натижалари кейинги молиявий давр учун дастлабки назоратга замин яратади.


Давлат молиявий назорати тафтиш, текшириш (шу жумладан бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг аввалги тафтишда ёки текширишда аниқланган бузилиши ҳолларини бартараф этиш юзасидан назорат тартибидаги текшириш) ва ўрганиш шаклида амалга оширилади.

Давлат молиявий назоратининг турлари қуйидаги [1]:

дастлабки назорат — молиявий операциялар бажарилгунига қадар ғазначилик бўлинмалари ва молия органлари томонидан амалга ошириладиган;

жорий назорат — молиявий операциялар бажарилиши жараёнида ғазначилик бўлинмалари, молия органлари ва давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга ошириладиган;

якуний назорат — молиявий операциялар бажарилганидан сўнг давлат молиявий назорат органлари томонидан амалга ошириладиган назоратлардир.



### **Давлат молиявий назоратининг турлари**

Давлат молиявий назоратининг усуллари қуйидагилардир [1]:  
ҳужжатларни текшириш ҳажмига қараб:

ёппасига назорат — текширилаётган давр учун барча бухгалтерия, молия, статистика, банк ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларни назорат қилиш;  
танлов асосидаги назорат — муайян давр учун бухгалтерия, молия, статистика, банк ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларнинг айрим қисмларини назорат қилиш;

назоратнинг мақсадга йўналтирилганлиги ва предметига қараб:

комплекс назорат — молиявий назорат объектининг муайян давр учун молиявий-хўжалик фаолиятининг барча йўналишларини назорат қилиш;

мавзули назорат — молиявий назорат объектининг муайян давр учун айрим масалалар бўйича фаолиятини назорат қилиш;

муқобил назорат — операциялар ягоналиги билан ўзаро боғлиқ бўлган ва турли молиявий назорат объектларида турган ҳужжатларни солиштиришни ўз ичига олган текшириш.

#### **4.3. Давлат молиявий назоратини амалга оширувчи органлар ва уларнинг вазифалари.**

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси Давлат молиявий назоратида қуйидагиларни амалга оширади:

➤ макроиқтисодий кўрсаткичларни, бюджет-солиқ ва пул-кредит параметрларини шакллантириш жараёнларини, уларнинг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлигига риоя этилишини тизимли ўрганиш;

➤ бюджет тизими бюджетларининг даромадларини шакллантириш ва маблағлари сарфланишини умумий, моддалар бўйича, тармоқлар ҳамда ҳудудлар кесимида назорат қилиш ва текшириш;

➤ давлат мақсадли дастурлари амалга оширилишининг тўлиқлиги ва самарадорлигини баҳолаш;

➤ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг банк ҳисобварақларидаги маблағларининг қонуний шакллантирилганлигини, мақсадли ҳамда самарали сарфланганлигини назорат қилиш ва текшириш;

➤ Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети ва Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари ўртасида мақбул нисбатга эришишга доир тақлифларни таҳлил қилиш ҳамда баҳолаш;

➤ давлат активлари шакллантирилишини, улардан самарали ва мақсадли фойдаланилишини текшириш;

➤ даромад келтирувчи тармоқлар корхоналари фаолиятини бюджет тизими бюджетларига қўшимча тушумлар захираларини аниқлашга йўналтирилган тарзда таҳлил ва назорат қилиш;

➤ Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун ҳисоб-китоблар жамғармаси, Қишлоқларни қишлоқ хўжалик техникаси билан таъминлашни давлат томонидан рағбатлантириш жамғармаси ва

белгиланган тартибда ташкил этилган бошқа жамғармаларнинг маблағлари тушуми ва даромадларининг шакллантирилиши, уларнинг маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилиши юзасидан таҳлил ва назорат қилиш;

➤ валюта, экспорт ва импорт операциялари ўтказишнинг қонунийлигини, шунингдек бюджет тизими бюджетларига товарлар (ишлар, хизматлар) экспорти ва импортидан мажбурий тўловлар бўйича маблағлар тушумини назорат қилиш;

➤ мамлакат олтин-валюта захираларининг ўрни қайта тўлдирилиши ва улар билан амалга ошириладиган операциялар устидан назорат қилиш;

➤ ички ва ташқи активларни бошқариш бўйича ҳисоботлар ва баланс ҳисоб-китобларини таҳлил қилиш, маблағлар ва олтин-валюта захираларини чет эл банкларига ва бошқа банкларга жойлаштириш ҳамда қайта жойлаштиришнинг асосли ва самарали эканлигини назорат қилиш;

➤ давлат қарзини бошқариш самарадорлигини таҳлил қилиш, унга ўз вақтида хизмат кўрсатилиши устидан назорат қилиш, Ўзбекистон Республикаси номидан ёки унинг кафолати остида жалб қилинган чет эл кредитлари маблағларидан самарали фойдаланиш масалалари бўйича предметли текширувлар ташкил этиш;

➤ давлат мулки реализация қилиниши билан боғлиқ масалаларни таҳлил қилиш ва улар бўйича назоратни таъминлаш;

➤ бюджет тизими бюджетлари маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилиши устидан назорат қилишга доир вазифалар молия органлари, шу жумладан ғазначилик бўлинмалари томонидан бажарилиши самарадорлигини таҳлил қилиш;

➤ давлат мулки улуши бўлган корхоналарнинг молия-хўжалик фаолиятини дивидендлар тўғри ҳисобланиши ва тўланиши юзасидан текшириш.

Ички назорат қуйидаги мақсадларга эришиш учун амалга оширилади [5]:

- бюджетнинг тасдиқланган параметрлари (лимитлар) доирасида ижро этилишига доир Маълумотларни йиғиш таҳлил қилиш, хулосалар чиқариш;

- бюджет ташкилотлари томонидан амалга оширилиши мумкин бўлган суустеъмолчилик ҳолатлари ҳақида ўз вақтида огоҳлантириш ва олдини олиш.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармалари, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг молия бўлимлари ўз ваколатлари доирасида:

➤ қуйи турувчи молия органлари томонидан бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижросининг таъминланиши устидан;

➤ ижтимоий нафақалар ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тайинланиши ҳамда ўз вақтида тўланиши устидан;

- бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар томонидан смета-штат интизомига риоя этилишининг таъминланиши устидан;
- акциз солиғи тўғри ҳисобланиши ва ўз вақтида тўланиши устидан;
- акциз тўланадиган айрим турдаги товарларнинг акциз маркалари билан тўлиқ тамғаланиши ва олинган акциз маркалари сонининг ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмига мувофиқлиги устидан;
- бюджет ташкилотлари томонидан бюджет ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тузишнинг, шунингдек қуйи турувчи ҳудудий молия органлари томонидан бюджет ҳисоботини тузишнинг тўғрилиги устидан давлат молиявий назоратини амалга оширади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодекси (ЎРҚ-360-сон.26.12.2013).
2. Маликов Т., Хайдаров Н. Давлат бюджет. Ўқув қўлланма. Т.: Иқтисод-молия, ТМИ-2007, 84б.
3. Маликов Т., Хайдаров Н. Бюджет (тизими, тузилмаси, жараёни). Ўқув қўлланма. Т.: Иқтисод-молия, ТМИ-2008, 98б.
4. Каримова З.Х., Джамалов Х.Н., Исламқулов А.Х. Бюджет тизими. Ўқув қўлланма. “ВОРИС -НАШРИЁТ”. 2012. 208 б.
5. О. Ғайбуллаев, У. Ўроқов. Ўзбекистон Республикасида бюджет тизими ва жараёни: Ўқув қўлланма . Тошкент: Бактрия пресс, 2015, 168 б.

### **Электрон таълим ресурслари**

1. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
2. Infocom.uz электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz).
3. [www.mf.uz](http://www.mf.uz)– Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг расмий сайти.
4. [www.uzreport.uz](http://www.uzreport.uz)– бизнес ахборотлари портали.

## IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

### АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ УЧУН ТАВСИЯЛАР

Амалий машғулот мақсади тингловчиларнинг назарий билимларини амалий жиҳатдан мустаҳкамлашга қаратилган. Машғулотлар республикамиздаги ғазначилик органларида ўтказилади ҳамда амалий фаолият билан машғул бўлган амалиётчилар билан ҳамкорликда ўтказилади. Машғулот давомида тингловчилар давлат бюджети ҳақида назарий билимлар бериш, уларда мамлакатда амалга оширилаётган институционал ислохотларнинг бугунги босқичида давлат молия тизимида амалга оширилаётган ўзгаришларнинг асосий йўналишлари ва бюджет тизими самарали фаолиятини таъминлашнинг ривожланиши тўғрисида амалий кўникмалар ҳосил қиладилар.

### АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

**1-амалий машғулот: Давлат бюджетининг мазмуни, моҳияти ва унинг тамойиллари ва хусусиятлари.**

**Ўқув топшириқлари Гуруҳ билан ишлаш қоидалари**

#### Гуруҳ аъзоларининг ҳар бири

- ўз шерикларининг фикрларини ҳурмат қилишлари лозим;
- берилган топшириқлар бўйича фаол, ҳамкорликда ва масъулият билан ишлашлари лозим;
- ўзларига ёрдам керак бўлганда сўрашлари мумкин;
- ёрдам сўраганларга кўмак беришлари лозим;
- гуруҳни баҳолаш жараёнида иштирок этишлари лозим;



## Гурухлар учун топшириқлар

### 1- гурух.

1. “Бюджет тизими”, “давлат бюджети”, “давлат функциялари”, “давлат молия тизими” тушунчаларининг мазмунини ёритинг.
2. " Бюджет тизими" сўзига кластер тузинг.

### 2- гурух.

1. “Бюджет тизими” фанини ўқитишнинг мақсади нимадан иборат?
2. "Бюджет тизими бюджетлари " тушунчасига кластер тузинг.

### 3- гурух.

1. “Бюджет тизими” фанини ўқитишнинг қандай вазифалари мавжуд?
2. "Давлат молия тизими бўлинлари" тушунчасига кластер тузинг.

### 4- гурух.

1. “Бюджет тизими” назариясини тушунтиринг?
2. “Бюджет кодекси" тушунчасига кластер тузинг.

### Блиц сўров

1. Бюджет тизими механизмнинг аҳамияти нимада?
2. “Бюджет тизими” фанини ўрганишнингўзига хос хусусиятлари қандай ?
3. “Бюджет тизими” фани бошқа иқтисодий фанлар билан қандай боғланади?
4. Бюджет тизими амал қилишининг ижобий томонларини айтинг.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодекси (ЎРҚ-360-сон. 26.12.2013).
2. Маликов Т., Хайдаров Н. Давлат бюджет. Ўқув қўлланма. Т.: Иқтисод-молия, ТМИ-2007, 84б.
3. Маликов Т., Хайдаров Н. Бюджет (тизими, тузилмаси, жараёни). Ўқув қўлланма. Т.: Иқтисод-молия, ТМИ-2008, 98б.
4. Каримова З.Х., Джамалов Х.Н., Исламқулов А.Х. Бюджет тизими. Ўқув қўлланма. “ВОРИС -НАШРИЁТ”. 2012. 208 б.
5. О. Ғайбуллаев, У. Ўроқов. Ўзбекистон Республикасида бюджет тизими ва жараёни: Ўқув қўлланма. Тошкент: Бактрия пресс, 2015, 168 б.

### **Электрон таълим ресурслари**

1. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
2. Infocom.uz электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz).
3. [www.mf.uz](http://www.mf.uz)– Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг расмий сайти.
4. [www.uzreport.uz](http://www.uzreport.uz)– бизнес ахборотлари портали.

### **2-амалий машғулот: Бюджет тизими бюджетларининг қонунчилик асослари.**

**Дарс шакли:** Дебат усули. **Ишнинг мақсади** Давлат бюджетининг ҳуқуқий ва меъёрий асослари, Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг аҳамияти, “Давлат бюджети қоидалари”нинг зарурлиги ва хусусиятлари, Молия вазирлиги Ғазначилиги ва унинг ҳудудий органлари таркиби ва ваколатлари борасида дебат уюштирилади.

### **Қуйидаги масалалар ўртага ташланади:**

- Давлат бюджет тушунчаси ва таркибий қисми.
- Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг аҳамияти.
- Давлат бюджети қоидалари”нинг зарурлиги ва хусусиятлари.
- Бюджет тузилиши ва унинг моделлари.
- Марказлашган, марказлашмаган ва аралаш моделларнинг ўзига хос хусусиятлари.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Мирзиёев Ш.М. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 48 б.

2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. –Т.: “Ўзбекистон”. – 2017.– 102б.

3. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси. 2013 йил 26 декабрь. 360-сон

4. Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодекси (ЎРҚ-360-сон. 26.12.2013).

5. Маликов Т., Хайдаров Н. Давлат бюджет. Ўқув қўлланма. Т.: Иқтисод-молия, ТМИ-2007, 84б.

### **Электрон таълим ресурслари**

6. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
7. Infocom.uz электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz).
8. [www.mf.uz](http://www.mf.uz)– Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг расмий сайти.
9. [www.mf.uz](http://www.mf.uz)– Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг расмий сайти.
10. [www.uzreport.uz](http://www.uzreport.uz)– бизнес ахборотлари портали.

### **3-амалий машғулот: Бюджет тизими бюджетларининг қонунчилик асослари.**

Муҳокама этиладиган масалалар.

- Давлат бюджет тушунчаси ва таркибий қисми.
- Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг аҳамияти.
- “Давлат бюджети қоидалари”нинг зарурлиги ва хусусиятлари.
- Бюджет тузилиши ва унинг моделлари.
- Марказлашган, марказлашмаган ва аралаш моделларнинг ўзига хос хусусиятлари.

## 1-ВАРИАНТ

|   |   |
|---|---|
| <b>ТЕСТ</b>   | <b>МУАММОЛИ ВАЗИЯТ</b>  |
| <p>Давлат бюджети ижросини қайси орган амалга оширади?</p> <p>А) Молия вазирлиги;<br/> Б) Солиқ қўмитаси;<br/> С) Божхона қўмитаси;<br/> Д) Барча жавоблар тўғри.</p> | <p>“Макроиқтисодий кўрсаткичлар ва бюджет параметрлари прогнозлари тўғрисида”ги Қарорларини мазмунини тушунтиринг</p> <p style="text-align: center;"><i>Сизни жавобингиз?</i></p> |
| <b>СИМПТОМ</b>  | <b>АМАЛИЙ КЎНИКМА</b>   |
| <p><i>Бюджет қонунчилиги</i> тушунчаси—бу...</p>  | <p>Бюджет кодекси, унинг бюджет тизимини бошқариш ва бюджет мунсабатларини ташкил қилишдаги аҳамиятини шарҳлаб беринг</p>   |

## 2-ВАРИАНТ

|   |   |
|---|---|
| <b>ТЕСТ</b>   | <b>МУАММОЛИ ТОПШИРИҚ</b>  |
| <p>Бюджет муносабатларига киради —</p> <p>А)* солиқларни тўлаш бўйича давлат ва корхоналар ўртасидаги муносабатлар;<br/> Б) суғурта шартномаси бўйича суғурта компаниялари ва корхоналар ўртасидаги муносабатлар;<br/> С) олинган кредит бўйича тўланадиган фоиз орқали тижорат банклари ва корхоналар ўртасидаги муносабатлар;<br/> Д) корхоналар ва хом ашё этказиб берувчилар ўртасидаги муносабатлар.</p> | <p>Ушбу тушунчаларга Б-Б-Б чизмасина тузиб чиқинг ва изоҳланг:</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бюджет тизимини бошқариш бўйича ваколатлар, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг бюджет соҳасидаги ваколатлари</p> |
| <b>СИМПТОМ</b>  | <b>АМАЛИЙ КЎНИКМА</b>   |
| <p>Бюджет тизими ва унинг тамойиллари - бу....</p>  | <p>Солиқ кодекси ва унинг бюджет тизимини бошқариш, бюджет мунсабатларини ташкил қилишдаги аҳамиятини шарҳлаб беринг.</p>   |

### 3-ВАРИАНТ

| ТЕСТ  | МУАММОЛИ ВАЗИЯТ   |
|---|---|
